

Зехн қўйса,
онг қўнар,
Хунар ортса,
иш унар.

Ўзбек халқ мақоли



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqib boshlagan 2010-yil 10-noyabr, chorshanba № 88 (8321) ISSN 2010-6416

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг Қарори

ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини, халқимизга хос меҳр-мурувват, бағрикенглик ва саховат ифодаси эканини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Диний байрам – Қурбон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида"ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармониға мувофиқ:

1. 2010 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 16 ноябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мурожаатини инобатга олиб, 2010 йил 16 ноябрь дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига байрам тадбирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 9 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINI 2010 ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишларини, жумладан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури ва бу борадаги комплекс дастурларни амалга ошириш жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида иқтисодиёт ва жамиятимиз ижтимоий ҳаётини барқарор ва мувозанатли ривожлантириш, иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлаш имконини берди.

1. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар

2010 йилнинг тўққиз ойида иқтисодий ўсиш 8,3 фоизни ташкил қилди. Иқтисодиётнинг барча асосий тармоқлари юқори суръатда ривожланиши таъминланди: саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоиз, истеъмол товарлари 12 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳ-

сулотлари 7,8 фоиз, қурилиш ишлари 9 фоиз, чакана савдо 12,2 фоиз, пуллик хизмат кўрсатиш 10,3 фоиз ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан бажарилди. Инфляция даражаси 4,2 фоизни ташкил қилди ва прогноз кўрсаткичларидан ошмади.

Иқтисодиётнинг асосий

тармоқларини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш жараёнларини жадаллаштиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсати самарасида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 8,1 фоиз, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 15,1 фоиз ўсиши таъминланди.

Мамлакатимизнинг экспортчи корхоналарини қўллаб-қувватлаш, экспортни диверсификация қилиш ва янги ташқи бозорларни ўзлаштиришга оид қўрилган чора-тадбирлар маҳсулотлар экспорти ҳажмини 10,9 фоиз ошириш, ташқи савдо айланмаси ижобий сальдосини 3,6 миллиард доллардан ортиқ ҳажмда таъминлаш имконини берди.

(Давоми 2-бетда.)

"НАВРЎЗ"НИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ



Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлодни комил инсонлар этиб тарбиялаш йўлида зарур шарт-шароит ва имкониятларни яратиш, болалар спортини янада ривожлан-

тириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу вазифалар ижроси мактабгача таълим муассасаларида ҳам изчил таъминланмоқда. Уларда фарзандларимизнинг машғулотлар билан шуғулланиши, дам

олиши, овқатланиши учун замон талабларига жавоб берадиган шароит яратилмоқда. Спорт майдончалари барпо этилишига алоҳида эътибор қаратилаётир.

Пойтахтимизнинг Яқкасарой туманида жойлашган "Наврўз" болалар боғчасида 160 нафардан зиёд тарбияланувчи учун барча шароитлар яратилган. Боғчада ташкил этилган хорижий тиллар, рақс ҳамда турли спорт тўғрақлари фарзандлар камолига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қарашли мазкур мактабгача таълим муассасаси Баркамол авлод йили муносабати билан капитал таъмирдан чиқарилиб, замонавий ахборот технологиялари билан таъминланди. Бу ерда спорт майдончаси ва жонли табиат бурчаги ташкил этилди.

А.ЁҚУБОВ (ЎЗА)
олган суратлар.



ГАЗЕТАНИ
ВАРАҚЛАГАНДА:

**БОЛАННИНГ
ТАРТИБЛИ
ОВҚАТЛАНИШИ**

унга ким масъул?

7-бет

**SAMARALI
PEDAGOGIK
USULLAR**

qisqa muddatda ko'p
ma'lumot olish imkonini beradi

8-бет

ГЕПИОЭНЕРГЕТИКА:

тадқиқотлар, натижалар ва
истиқбол

12-бет

**ФУТБОЛ
НЕЧА ЁШДАН
ЎЙНАЛАДИ?**

15-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

2010 йилнинг тўққиз ойида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари

(2009 йилнинг шу давридагига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ўсиш суръатлари
Ялпи ички маҳсулот	108,3
Саноат маҳсулотлари	108,3
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	112
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	107,8
Қурилиш ишлари	109
Чакана савдо айланмаси	112,2
Пуллик хизматлар	110,3

II. Банк-молия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш

Банкларнинг капиталлашув даражасини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлашга доир амалга оширилган чора-тадбирлар тижорат банклари жами капиталининг жорий йил бошига нисбатан 18,2 фоиз ўсишини таъминлади. Аҳолининг банклар ва кредит уюшмаларидаги депозитлари 41,9 фоиз ошди. Кредит ташкилотларида аҳоли депозитлари умумий миқдоридан муддатли ва жамғарма омонатлари улуши 86,9 фоизни ташкил қилди.

Капиталлашув даражаси ва ресурс базасини янада ошириш банк тизими жами активларининг жорий йил бошидан буён 28,1 фоиз ўсишини таъминлади, шунингдек, кредит қўйилмалари қолдиқларининг 32,8 фоиз ошишига ёрдам берди.

Жорий йилнинг тўққиз ойида тижорат банклари томонидан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник қайта жиҳозлаш учун қиймати 2,4 триллион сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди. Бу 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,5 баравар кўпдир.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш ва банкдан ташқари пул айланмасини камайитириш мақсадида муомалага чиқарилган пластик карточкалар 2009 йилнинг шу давридагига қараганда 2,5 миллион донага кўпайди ва 7,5 миллионга етди, ўрнатилган терминаллар эса 23,4 минггага кўпайиб, 65 мингта ташкил қилди. Натижада пластик карточкалар орқали нақд пулсиз тўловлар ҳажми 2009 йилнинг январь-сентябрь ойларидагига нисбатан 2,5 баравар ошди.

Жорий йилнинг тўққиз ойида тижорат банклари томонидан мамлакатимиз-

нинг экспортчи корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг айланма капиталини тўлдириш учун 275,5 миллиард сўм ҳажмида ёки 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,7 баравар кўп кредит маблағлари ажратилди.

«Мудис» халқаро рейтинг агентлиги 2010 йилнинг 30 августидаги шарҳида Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг ривожланиш прогнозини «барқарор», деб баҳолади. Мазкур баҳо глобал иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимиз тижорат банкларининг барқарорлигини, уларнинг активларини сифати мустаҳкамлигини ва капиталлашув даражаси ошганини кўрсатади.

«Мудис» агентлиги таҳлилчиларининг фикрига кўра, Ўзбекистон ҳукумати тартибга солиш ва мониторинг қилиш, шунингдек, бевосита молиявий қўйилмалар орқали молия соҳасини самарали бошқармоқда. Ҳукумат банклар капиталини кўпайтириш билан бир қаторда, улар орқали индустриал ва ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни молиялаштиришда ва бу, ўз навбатида, банклар ликвидлигини оширишга хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, жаҳон молия бозорларидаги жараёнлар Ўзбекистон банклари учун жиддий хавфни юзага келтира олмаслиги, ликвидликнинг асосий кўрсаткичлари келгусида ҳам ўзгармаслиги ва ҳар қандай кутилмаган сарф-харажатлар ликвид маблағлар ёки тартибга солувчи ҳокимият органларининг қўллаб-қувватлаши ҳисобидан осон қопланиши мумкинлиги таъкидланган.

Қайд этиш жоизки, «Мудис» агентлигининг Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг барқарорлиги ҳақидаги фикрини яна бир нufузли халқаро рейтинг агентлиги — «Standart end Purs» ҳам маъқуллайди. Ушбу агентлик Ўзбекистон банклари-

нинг халқаро молия бозорларига унчалик қаттиқ боғланмаганлиги ва уларнинг МДХнинг бошқа йирик мамлакатларига қараганда ташқи қарзи камлиги Ўзбекистон банк тизимини глобал бозорлардаги салбий жараёнлардан ҳимоя қилганини қайд этди. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида «Standart end Purs» рейтинг агентлиги томонидан мамлакатимизнинг тўртта тижорат банкнинг кредит рейтингини тасдиқланди.

III. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш ва мамлакат рақобатбардошлигини ошириш сиёсатини давом эттириш

Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасида энгил саноат (118,4 фоиз), машинасозлик ва металл қайта ишлаш саноати (114,1 фоиз), кимё (113,7 фоиз) ва озиқ-овқат саноати (109,9 фоиз) юқори суръатда ривожланди. Электр энергетика соҳаси, қора ва рангли металлургия саноатининг барқарор ишлаши таъминланди.

2010 йилнинг ўтган даврида калий ўғити, бикарбонат натрий, калий нитрати, энергия тежовчи лампочкалар, «Spark» русумидаги энгил автомобиль, «CLAAS» тракторлари ва комбайнлари, турли доривор препаратлар ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида жорий йилнинг тўққиз ойида 990 лойиҳа бўйича қиймати 4,2 триллион сўмлик ёки 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,4 баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Маҳаллийлаштирилган 47 турдаги янги маҳсулот экспорт қилинди, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар экспортининг умумий ҳажми эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2 баравар ошди. Натижада республика саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар улуши ўтган йилнинг шу давридаги 14,9 фоиз ўрнига 17,6 фоизни ташкил қилди. Импорт ўрнини босишнинг ҳисоб-китоб қилинган самараси 2,7 миллиард долларни ташкил этди ёки

ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичга нисбатан 1,3 баравар ошди.

Истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида тижорат банклари томонидан ишлаб чиқарувчи корхоналарга озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида технологик ускуналар, хомашё ҳамда материаллар харид қилиш учун 775,8 миллиард сўм миқдоридан кредитлар ажратилди.

Натижада жорий йилнинг тўққиз ойида истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 12 фоиз, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари 8,3 фоиз ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари 14,8 фоиз ўсди. Газламалар, трикотаж буюмлари, гилам ва гилам маҳсулотлари, галантерея ва хўжалик товарлари ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди, ясси экранли телевизорлар, янги турдаги маиший кимё воситалари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Экспортни рағбатлантириш, тайёр маҳсулотларни янги ташқи бозорларга чиқариш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилиши самарасида жорий йилнинг тўққиз ойида машина ва ускуналар (2 баравар), озиқ-овқат товарлари (1,9 баравар), қора ва рангли металллар (1,5 баравар), хизматлар (1,2 баравар) экспорти ҳажмининг юқори суръатда ўсиши таъминланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлашга доир амалга оширилган самарали чоралар жорий йил бошидан буён рўйхатга олинган кичик корхоналар сонининг 3,1 фоиз кўпайишига хизмат қилди. Банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар ҳажми 2134,5 миллиард сўмни ташкил қилди ёки бу 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,5 баравар кўпдир, жумладан, 418,2 миллиард сўмлик микрокредитлар берилди ва бу кўрсаткич 1,6 баравар ошди.

Натижада 2010 йилнинг тўққиз ойида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 48,5, саноатда 18,7, бандлик соҳасида 74,4 фоизни

ташқил қилди. Кичик бизнесда саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари 124,1 фоизни ташқил этди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурини изчил амалга ошириш натижасида жорий йилнинг тўққиз ойида хизматлар ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 11,2 фоиз, шу жумладан, молиявий хизматлар 22,6, савдо ва умумий овқатланиш хизматлари 14,8, автомобиллар ва бошқа техникани таъмирлаш хизматлари 27,8 фоиз ўсди. Натижада ялпи ички маҳсулотда хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 48,6 фоизга етди. 1295 чакана савдо объекти, 296 умумий овқатланиш объекти ва маиший хизмат кўрсатиш бўйича 2,1 мингдан ортиқ объектнинг ишга туширилиши ҳисобидан шу йилнинг ўтган даврида қишлоқ жойларда 93,6 минг иш ўрни ташқил қилинди.

IV. Фаол инвестиция сиёсатини, техник модернизация қилиш дастурларини амалга ошириш

Жорий йилнинг тўққиз ойида ўзлаштирилган капитал қўйилмалар умумий ҳажми 10,8 триллион сўмни ташқил қилди ва ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қийсий нархларда 8,1 фоиз ўсди. Бунда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 15,1 фоиз кўпайди ва 1,8 миллиард долларни ташқил этди.

Умуман, мамлакатимиз бўйича жорий йил бошидан буён 867 ишлаб чиқариш объекти, жумладан, озиқ-овқат саноатида 293, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида 237, энгил саноатда 126, ёғочни қайта ишлаш саноатида 39 ва машинасозликда 10 объект фойдаланишга топширилди.

Техник модернизация қилиш дастури доирасида 156 йирик инвестиция лойиҳаси, жумладан, 50 мингта «Spark» M300 энгил автомобили ишлаб чиқариш, Евро-4 стандартига жавоб берадиган «Нексия» ва «Матиз» автомобиллари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, капсуланган автомобиль ойналарини, Деҳқонобод калий ўғитлари заводида 200 минг тонна калий ўғити ишлаб чиқариш, «Навоийазот» очиқ акциядорлик жамиятида фосфорит хомашёси қўшилган аммиак селитрасини

2010 ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

гранулаштириш жараёнини жорий этиш, янги турдаги замонавий электр техника маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича лойиҳалар амалга оширилди. Тошкент шаҳрида асфальт заводи ва замонавий қурилиш-йўл ускуналари, Наманган вилоятида ип-газлама полотноси ишлаб чиқариш, Қашқадарё вилоятида табиий чармни қайта ишлаш бўйича янги қувватлар ишга туширилди, 9 пахта тозалаш заводи модернизация ва реконструкция қилинди.

2010 йилнинг тўққиз ойида замонавий транспорт-коммуникация тизимини ташкил қилиш мақсадида халқаро ва давлат аҳамиятига эга умумфойдаланиш автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда Ўзбекистон миллий автомагистралари участкаларини қуриш бўйича 305,5 миллиард сўмлик ёки 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,5 баравар кўп ҳажмда ишлар бажарилди.

191 километрлик халқаро ва давлат аҳамиятига эга умумфойдаланиш автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари ниҳоясига етказилди. Ўзбекистон миллий автомагистралари бўйлаб йўл ёқасида 41 инфратузилма ва хизмат кўрсатиш объекти, жумладан, тиббий ва авария ёрдами кўрсатиш, автомобиль техникасини таъмирлаш, санитария ва гигиена пунктлари, кемпинглар, мотеллар, меҳмонхоналар ва кўп тармоқли ёқилғи қўйиш станциялари қурилиши яқунланди.

Жорий йилнинг тўққиз ойида 2009—2013 йилларга мўлжалланган темир йўл тармоғини ривожлантириш ва модернизация қилиш комплекс дастурлари лойиҳалари бўйича 232 миллион доллар эквивалентидаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилди.

“Навоий” халқаро аэропорти орқали 5 янги йўналиш бўйича Европа ва Осиёнинг йирик логистика марказларига «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг А-300 самолётларида юк ташиш бўйича мунтазам халқаро авиақатновлар йўлга қўйилди. Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида “Навоий” халқаро аэропорти орқали 18,5 минг тонна юк ташилди ва юк ташиш бўйича 674 рейс амалга оширилди ҳамда ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 3 бара-

вар ортди. Ангрен шаҳрида янги ташкил қилинган Логистика маркази орқали шу йилнинг тўққиз ойида 3,1 миллион тоннадан ортиқ юк ташилди.

Электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олиш бўйича автоматлаштирилган тизим (АСКУЭ) ни жорий этиш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг тўққиз ойида истеъмолчиларга электр энергиясини ҳисобга оладиган 400 мингта замонавий маиший прибор ўрнатилди. Кўчон ва Андижон шаҳарларида абонентларга карточка орқали олдиндан ҳақ тўлаш тизимига эга электр энергиясини ҳисобга оладиган маиший приборларни ўрнатиш бўйича тажриба лойиҳалари жорий қилинди, 380 хўжалик субъектида электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олиш бўйича автоматлаштирилган тизимнинг локал тармоғи ишга туширилди.

Жорий йилнинг тўққиз ойида 107 мелиорация объектида қурилиш ва реконструкция ишлари бажарилди. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 401,2 километрлик коллектор-дренаж тармоқлари, 109,5 километрлик ёпиқ дренаж тармоқлари, 4 мелиорация насос станцияси, 144 мелиорация ва 200 кузатув қудуқлари, битта гидротехник иншоотни қуриш ва реконструкция қилиш ишлари яқунланди. Узунлиги 11,3 минг километрдан ортиқ коллектор-дренаж тармоғи тозаланди ва бу 240 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш имконини берди.

V. Қишлоқда уй-жой ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш ва қуриш дастурининг амалга оширилиши

Жорий йилнинг тўққиз ойида мамлакатимиз бўйича қишлоқ жойларда уй-жой қуриш доирасида «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки маблағлари ҳисобидан намунавий лойиҳалар асосида 3597 уй-жой фойдаланишга топширилди, қиймати 366,5 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди. Ўтган даврда замонавий қурилиш ва пардозлаш материаллари, жумладан, том ёпиш материаллари, гипсокартон буюмлари, қуруқ пардозлаш аралашмалари, йиғиладиган кон-

струкциялар ишлаб чиқарилган 198 янги корхона, шунингдек, йилига 232 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга 42 ғишт заводи ишга туширилди.

Аҳолининг уй-жой қуришга жалб қилинган маблағлари 1,7 баравар ошди.

Умуман, мамлакатимизда 7150,1 минг квадрат метр уй-жой, жумладан, қишлоқ жойларда 5079,1 минг квадрат метр тураржой, шунингдек, 1965,8 километрлик, қишлоқ жойларда 1298,1 километрлик сув тармоқлари фойдаланишга топширилди.

VI. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш

Аҳолини асосий озиқ-овқат турлари билан барқарор таъминлаш мақсадида шу йилнинг тўққиз ойида 288,5 гектар майдонда муқобил иссиқлик манбаларидан фойдаланган ҳолда енгил конструкцияли 645 иссиқхона, шунингдек, замонавий минитехнологиялар билан жиҳозланган 135 қайта ишлаш, жумладан, мева-сабзавотларни қайта ишлайдиган 29, ғўшт маҳсулотларини қайта ишлайдиган 41 ва сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган 65 корхона қурилди.

2010 йилнинг тўққиз ойида чорвачиликни ривожлантириш дастури доирасида кимошди савдолари орқали шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларига 21 минг бош наслдор қорамол сотилди, кам таъминланган оилаларга 8055 бош қорамол бепул берилди. 131 зооветеринария ва сигирларни сунъий урчиши бўйича 128 шохобча ташкил қилинди. Тижорат банклари ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Бандликка кўмаклашиш жамғармаси томонидан қорамол сотиб олиш учун 34,7 миллиард сўм ажратилди. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида қорамоллар умумий сони 8893,4 минг бошга етди ва 2009 йилнинг шу даврига қараганда 6,9 фоиз, паррандалар сони эса 18,2 фоиз ўсди.

Жорий йилнинг тўққиз ойида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самардорлигининг ошиши натижасида ўтган йилнинг шу давридагига қараганда сабзавотлар етиштириш ҳажми 7,8 фоиз, картошка етиштириш 10,3 фоиз, полиз экинлари етиштириш 11,6 фоиз, мевалар

етиштириш 10,8 фоиз, узум етиштириш 9,1 фоиз, ғўшт етиштириш 6,8 фоиз, сут етиштириш 6,7 фоиз ва тухум етиштириш 13,2 фоиз кўпайди. 418,1 минг тонна мева-сабзавот, жумладан, 204,4 минг тонна сабзавот, 62,3 минг тонна полиз экинлари, 90,5 минг тонна мева ва 61 минг тонна узум экспорт қилинди.

VII. Аҳоли бандлиги ва ҳаёт сифатини оширишни таъминлаш

Жорий йилнинг тўққиз ойида мамлакатимиз бўйича 784,9 минг янги иш ўрни яратилди. Унинг 502,4 мингдан ортиғи қишлоқ жойларда ташкил этилди. Иш ўринларининг катта қисми — 503 мингтаси (64,1 фоиз) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, жумладан, 253 мингтаси (32,2 фоиз) хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлда қабул қилинган “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш бора-сидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони кичик бизнесда бандлик даражасининг ошишида муҳим омил бўлмоқда. Ушбу ҳужжатда республиканинг касб-хунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилганда, банд ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган нормативдан кўпи билан 20 фоиз оширилган ҳолларда, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар уларда сақланиб қолиниши белгиланган.

Касаначиликнинг турли шакллари кенгайтиришга оид чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобидан 186,8 минг, жумладан, корхоналар билан кооперация асосида 63,1 минг, пудрат шартномаси ва оилавий бизнес асосида 123,7 минг иш ўрни яратилди.

Меҳнат бозорида амалга оширилган фаол чора-тадбирлар самарасида иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганлар сони қўшимча 2,7 фоизга ошди ва 11,6 миллион нафардан ортиқ кишини ташкил қилди. Иш билан банд аҳоли сонининг ўсиши

асосан қурилиш (106,5 фоиз), уй-жой коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш (105,4 фоиз), транспорт ва алоқа (104,8 фоиз), савдо ва умумий овқатланиш (104,8 фоиз) соҳаларида кузатилмоқда.

2010 йилнинг январь-сентябрь ойларида ўртача иш ҳақининг барқарор ўсиши сақланди ва ҳисобот даврининг охириги ойида ушбу кўрсаткич 553,8 минг сўмни ташкил қилди. Бу 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан 32,1 фоиз кўпдир.

Ўтган давр мобайнида “Баркамол авлод йили” Давлат дастури доирасида болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг баркамол ривожланиши учун ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга доир изчил ишлар амалга оширилди. Бу борада қўрилган чоралар натижасида таълим муассасаларининг 453,4 минг нафар битирувчиси ва ёшлар тадбиркорлик фаолиятига жалб этилди.

Ёшларнинг ижтимоий аҳволини мустаҳкамлаш борасида ёш оилаларга уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун 90 миллиард сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди, 2320 кам таъминланган оилага тўй ҳамда оилавий танта-наларни ўтказишда ёрдам кўрсатилди.

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган “Ўзбек модели” ва 2009—2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасидаги чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши 2010 йилнинг тўққиз ойи яқунлари бўйича иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш имконини берди.

Ислохотларни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш, шу асосда Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторига қўшилиши йўлида муҳим ва истиқболли йўналишларни амалга ошириш яқин йилларда иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини сақлашга қаратилган иқтисодий сиёсатнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ТҶККИЗ ОЙИДА ВИЛОЯТДА ИККИТА ЯНГИ КОЛЛЕЖ ҚУРИЛИБ, БИТТА КОЛЛЕЖ КАПИТАЛ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНДИ. КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ВА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ҲУҚУЧИЛАРИ УЧУН 17 ҲТОҚХОНА БУНЁД ЭТИЛДИ.

Самарқандда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан жаҳон молиявий иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва Инқирозга қарши чоралар дастурининг вилоятдаги ижросига бағишланган йиғилишда юқоридаги маълумотга алоҳида эътибор қаратилиб, вилоят иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатлари таъминланаётгани таъкидлаб ўтилди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этиб вилоятда саноат, қурилиш ва савдо соҳасида амалга оширилаётган ишларни таҳлил этди.

Шунингдек, йиғилишда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш борасида айрим корхоналар ва тармоқларда муайян камчиликларга йўл қўйилгани қайд этилди.

5-7 НОЯБРЬ КУНЛАРИ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ» ДА ОЗАРБОЙЖОН РЕСПУБЛИКАСИНING МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ ҲТКАЗИЛДИ.

Унда республиканинг ёқилги-энергетика, транспорт, қурилиш, ахборот технологиялари, озиқ-овқат, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим, маданият, туризм, экология соҳаларида фаолият кўрсатувчи 170га яқин компания ва корхоналари ўз маҳсулотлари ва хизматларини намойиш этди. Кўргазма давомида Озарбойжоннинг 44 компанияси мамлакатимизнинг бир қатор фирма ва компаниялари билан ҳамкорлик шартномаларини имзоладилар.

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТАШАББУСИ БИЛАН АҲОЛИНИНГ, АЙНИҚСА ҲШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ МАҚСАДИДА КЕНГ КЎЛАМЛИ ТАРҒИБОТ-ТУШУНТИРИШ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.

Ана шундай ишларнинг давоми сифатида вазирлик томонидан Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги транспорт ва қурилиш коллежида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қафолати» мавзуида семинар ташкил этилди.

Тадбирда вазирлик масъул ходимлари, вилоят ва туман ҳокимлиги, ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси мутасаддилари, ҳуқуқшунослар, ўқувчи-ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Семинарда сўзга чиққанлар мамлакатимизнинг барча соҳаларда қўлга киритилаётган ютуқлари, тинч ва фаровон ҳаётимиз замирида Конституциямизнинг катта ўрни борлигини таъкидлашди.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ЗАРАФШОН ШАҲРИДА ЯҚИНДА ИШГА ТУШГАН ЯНГИ КЎП ТАРМОҚЛИ ПОЛИКЛИНИКАДА 100 НАФАР ТИББИЁТ ХОДИМИ МЕХНАТ ҚИЛМОҚДА.

Замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган ушбу поликлиника аҳоли соғлигини тиклаш, репродуктив саломатлик даражасини оширишга хизмат қилади. Ҳозир бу ерда кунига юздан зиёд кишига кундузги стационар хизмати кўрсатилаёпти.

ХИВА ШАҲРИДАГИ 23-МЕХРИБОНЛИК УЙИГА «КОИСА» ЎЗБЕКISTON — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ХАЛҚАРО ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН 12ТА ЗАМОНАВИЙ КОМПЬЮТЕР ЖАМЛАНМАСИ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ.

Мехрибонлик уйида корейс тили ва маданиятини ўрганишга мўлжалланган хоналар ҳам ташкил этилган бўлиб, 140 нафар тарбияланувчига мазкур халқаро жамиятнинг икки нафар мутахассиси корейс тилидан сабоқ бермоқда.



МУЗЕЙ — ТАРИХ ХАБАРЧИСИ. БУ МАСКАН ҲЗ БАҒРИДА ҲТМИШГА ОИД ҚИММАТЛИ ЭКСПОНАТЛАР, АҲДОДЛАРИМИЗ ЯРАТГАН САҲЪАТ АСАРЛАРИНИ САҚЛАБ, АВЛОДЛАРГА ТАРИХ ҲАКИДА ДАРАК БЕРАДИ.

Бухоро шаҳрида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан музейлар фаолиятига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда юртимизда музейлар фаолиятини яхшилаш борасида бир қанча ижобий ишлар амалга оширилаётганлиги таъкидланиб, вилоятларда музейлар фаолиятини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишлар тақдироти ўтказилди. Шунингдек, музейларда Мустақиллик экспозициясини ташкил этиш концепциясини ишлаб чиқиш юзасидан иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди. Музейлар қошида «Ёш саёҳатчи», «Ёш ўлкашунос», «Ёш тарихчи» тўғарақлари фаолияти йўлга қўйилганлиги ва унда ўқувчилар ўлкашунослик, музейшунослик сирларини ўрганаётгани эътироф этилди.

Семинар доирасида Камолитдин Бехзод номидаги санъат музейида Германиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган кўргазманинг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Мухтасархон КАРИМОВА

ЮНУСОБОД ТУМАНИДАГИ 246-МАКТАБДА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ОРАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАҚСАДИДА ПРОФИЛАКТИК НАЗОРАТДА ТУРГАН ҲУҚУҚЧИЛАР БИЛАН ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР ЮЗАСИДАН МАСЪУЛ ХОДИМЛАРНИНГ ҲИСОБОТИ ТИНГЛАНДИ.

Тадбирда айрим ёшлар ўртасида кузатилаётган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ва уларнинг олдини олиш борасида қилинаётган ишлар ҳамда амалга оширилаётган вазифалар муҳокама этилди.

Дарҳақиқат, биз адолатли жамиятда, қонун устувор бўлган давлатда яшаймиз. Ҳар бир фуқаро жинояти учун қонун олдида жавобгар. Ҳуқуқчи ва ота-оналар «Вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва назоратиозликнинг олдини олиш ҳақида»ги янги қонун ижросини таъминлаш бу борада катта аҳамият касб этишини англаб этди.

Маҳмуда ЗОИРХОН қизи

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ АМАЛИЙ САҲЪАТ МУЗЕЙИДА «МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР» КЎЧМА КЎРГАЗМАСИ ИШ БОШЛАДИ.

Германия Федератив Республикасининг юртимиздаги элчихонаси, Фонд Форум ва бошқа ҳамкор ташкилотлар ташаббуси билан ўтказилаётган мазкур экспозиция бундан аввал Термиз ва Бухоро шаҳарларида намойиш этилган эди.

Кўп асрлик тарихга эга мамлакатимизга халқаро илмий ташкилотларнинг қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Улар орасида Германия Археология институти (ДАИ) алоҳида ўрин тутди. «Марказий Осиёдаги археологик тадқиқотлар» кўргазмаси Институт томонидан мамлакатимизда олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг энг муҳим кашфиётлари ҳақида хикоя қилади.

Инобат ЭГАМҚУЛОВА,
«Туркистон-пресс»

ҲАР КАНДАЙ БИЛИМ ҲҚУВЧИНИ ФАЙРАТГА, ШИЖОАТГА, ФИДОЙИЛИККА УНДАСА, ҚИЙМАТИ ЯНАДА ОРТАДИ. ШУНДАЙ ЭКАН, ҲҚИТУВЧИ ҲЗ ИШИГА ДОИМО МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ҲНДАШИШИ КЕРАК.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан Юнусобод туманидаги 274-мактабда ташкиллаштирилган «Бошланғич синфларда узвийлаштирилган дастур асосида дарсларнинг ташкил этилиши ҳамда «Устоз-шогирд фаолияти» мавзусидаги семинар худди шу мазмундаги мулоҳазаларга бой бўлди.

Тадбирда сўзга чиққан 265-мактабда фаолият кўрсатаётган устозлардан бири Фотима Самигова «Устоз-шогирд» мактабида қадимий ва миллий анъаналаримиз мужассамлаштирилганини, таълим-тарбияни мукамаллаштириш ва янги босқичга кўтариш, ёш педагогларнинг тажрибасини оширишда аҳамияти беқиёс эканлигини таъкидлади.

Сунгра семинар иштирокчилари бошланғич синфларда дарсларни ташкил этиш, уларда янги педтехнологияларни, замонавий техникаларни қўллаш, шу билан бирга азалий анъана ва қадриятларимиздан унумли фойдаланиш борасида маъруза қилдилар.

Дилшод КАРИМОВ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛЬ» МЕХМОНХОНАСИДА ГЕРМАНИЯНИНГ «БИОНОРИКА СЕ» ФАРМАЦЕВТИКА КОМПАНИЯСИ ТОМОНИДАН «БИОНОРИКА ҲЗБЕКISTONДА 5 ЙИЛ» МАВЗУИДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЎЛИБ ҲТДИ.

Бу компания 1933 йили Германияда ташкил этилган бўлиб, у асосан табиий ўсимликлардан дори-дармон тайёрлашни йўлга қўйган. Айни пайтга келиб эса дунёнинг кўпгина мамлакатлари аҳолисини сифатли препаратлар билан таъминламоқда.

Тадбирда сўзга чиққан компания бошқаруви аъзоси, маркетинг бўйича ижрочи директори доктор Уве Бауманн компаниянинг юртимиздаги фаолияти, шунингдек, ишлаб чиқарилаётган янги турдаги табиий ва янада самарали препарат ҳамда антибиотиклар бўйича маълумот бериб ўтди.

Айнан шу кўни «Бионорика СЕ» компанияси ташаббуси билан К.Қурбонова номидаги Республика болалар психоневрология касалхонасида бунёд этилган «Фитолэнд» хонаси фойдаланишга топширилди.

— Бундай хоналарнинг ташкил этилиши, аввало, бемор болаларнинг тез ва самарали даволаниши, қалбларига қувонч улашишда ҳисса қўшади. У ердаги ўйинчоқлар, аргимчоқ ўриндиқлар, телевизор ҳамда девордаги ёрқин расмлар болаларда ўзгача кайфият уйғотади, — деди компания менежери Алексей Сафранов.

М.ЛАТИПОВА

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ 258-МАКТАБДА РУС ТИЛИ ФАНИ ОЙЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАДБИР БЎЛИБ ҲТДИ.

Тадбирнинг биринчи бадий қисмида ўқувчилар она, Ватан, дўстлик ҳамда Алишер Навоийнинг сўз қудрати ҳақидаги шеърларини рус тилида баён этиб, болалик ҳақидаги қўшиқ ва рақсларни меҳмонларга тақдим этишди. Иккинчи қисм «Отам, онам ва мен» деб номланди. Унда уч гуруҳ «Чайка», «Факел», «Альпинист» номлари остида беллашишди. Ҳқувчилар шартлар оралиғида ижро этган мусиқий танаффус ва спорт ҳақидаги шеър ва қўшиқлар тадбирга янада кўтаринкилик бахш этди.

Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад, ўқувчиларнинг рус тили фанидаги билимларини баҳолаш, янада чуқурлаштириш ва спортга бўлган қизиқишларини оширишдир. Тадбирда ота-оналарнинг ҳам фаол иштирок этиши унинг қизиқарли ва дўстона муносабатда ўтишига замин ҳозирлади.

Гулрух МЕНГЛИЕВА

1998 йили таъсис этилган халқаро ЮНЕСКО–Лореал мукофоти табиий фанлар йўналиши бўйича тадқиқот олиб бораётган ёш олима аёлларни рағбатлантириш ва эришган натижасини оммалаштиришга қаратилган. Ҳар йили махсус стипендия ўн беш нафар тадқиқотчига топширилади. Шу билан бирга, ғолиблар ўз изланишларини дунёнинг етакчи илмий марказларида давом эттириш имкониятига эга бўлишади.

Улар орасида Ўзбекистондан биринчи бўлиб ЮНЕСКО–Лореал мукофотиغا 2006 йили Дилфуза Эгамбердиева сазовор бўлган. Унинг илмий лойиҳаси “Қурғоқчил ва шўрланган ерларда қишлоқ хўжалиги ўсимликларини биологик химоя қилиш” мавзусида бўлиб, илмий изланишларини икки йил давомида Нидерландиянинг Лейден университетидан олиб борган.

Бир йилдан сўнгра яна бир ёш олиманимиз — Фанлар академияси Биоорганик кимё институти ходими Барно Султонова ушбу нуфузли халқаро мукофотга лойиҳа деб топилди. У ўзининг “Бактериал целлюлоза асосидаги мембрана ва композицион мембраналарни тадқиқ этиш” мавзусидаги илмий лойиҳасини Германиянинг Йена шаҳридаги Фридрих Шиллер номидаги университетда давом эттирди.

Бу йил эса 2011 йил учун эълон қилинган ёш олима аёлларнинг ЮНЕСКО–Лореал мукофотиغا Ўзбекистон Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий ходими, кимё фанлари номзоди Нилуфар Мамадалиева сазовор бўлди. У 2011 йил февраль ойида Парижда бўлиб ўтадиган ЮНЕСКО комитети ва Лореал компаниясининг анжуманида иштирок этади, стипендияни олгач, 2011 йил 1 мартдан Италиядаги TUSCIA университетининг ўсимликлар цитологияси ва биотехнологияси лабораториясида профессор Антонио Тиеззи раҳбарлигида ўзининг «Ўзбек халқ табобатида қўлланилувчи лабгулдошлар (Lamiaceae) оиласига мансуб доривор ўсимликларнинг биологик фаол моддаларининг in vitro цитотоксик фаолликларини ўрганиш» мавзусидаги лойиҳаси устида иш олиб боради.

Ёш олима билан суҳбатимиз унинг эришган ютуқлари, келгусидаги режалари хусусида бўлди.

— Наманган вилоятининг Норин туманидаги 7-мактабда таҳсил олганман, — деди олима. — Кимё ва биология фанларига қизиқишимга онам Ҳавохон Турдалиева сабабчи бўлган. Мактаб давридаёқ шу фанларни чуқур ўзлаштириб, етук ва малакали мутахассис бўлишни астойдил ниёт қилганман. Устозларимнинг берган билимлари ҳамда қўллаб-қувватлашлари натижасида кимё фани бўйича Республика ва МДХ давлатлари ўқувчилари ўртасида ўтказилган олимпиадаларда қатнашиб, ғолиб бўлганман. 1992 йили Фарғона давлат университетига имтиёзли тарзда қабул қилиндим. 1997 йили мазкур олий ўқув юртини тугатдим. Профессор Алижон Иброҳимов раҳбарлигида химоя қилган диплом ишим келгусидаги илмий изланишларимга замин бўлди, десам адашмайман.

Ўз олдига катта мақсадларни қўйган Нилуфар Мамадалиева Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсим-

ТОҒРАЙҲОН, ҚЎЗИҚУЛОҚ, МАРМАРАК...


— Она заминимизда ўсадиган бу каби ўсимликлардан саратонга қарши фойдаланиш мумкин, — дейди ёш олима Нилуфар Мамадалиева

лик моддалари кимёси институти аспирантурасида таҳсилни давом эттирди.

2005 йили раҳматли устози, профессор Зиёдулла Соатов илмий раҳбарлигида *Silene* туркуми ўсимликларидан олинувчи фитозксидстероидлар кимёсини ўрганишга бағишланган диссертациясини муваффақиятли ёқлаб, кимё фани номзоди бўлди.

— Фитозксидстероидлар ўсимликлардан олинадиган биологик фаол табиий гормонлар ҳисобланади, — деди ёш олима илмий ишининг аҳамияти ҳақида гапираркан. — Институтиимиз тажриба майдончасида *Silene* туркумига кирувчи баъзи ўсимлик турлари маданийлаштирилган. Тадқиқот давомида *Silene* туркуми ўсимликларидан фанга аввал маълум бўлмаган тўртта янги бирикмани ажратиб олишга муваффақ бўлдим. Бу эса *Silene* туркумига оид ўсимликлар бошқа хил фармакологик хусусиятларга эга янги препаратларни яратиш учун асос бўлиши мумкинлигидан далolat беради. Айни пайтда янги бирикмаларнинг биологик хусусиятларини ўрганиб чиқаямиз.

Интилувчан ёш тадқиқотчининг изланишлари хорижлик олимларни ҳам бефарқ қолдирмади. 2008 йили Tusciana университетининг халқаро стипендиялар дастурида ғолиб бўлиб, Италияда уч ой давомида тажриба алмашиш имконига эга бўлди. Ўтган йили эса DAAD (Немис академик алма-



шув хизмати) дастури асосида Германиянинг Ҳайделберг шаҳридаги Фармация ва молекуляр биология институтида малака ошириб қайтди.

— Юртимиз ёш олимлари олиб бораётган фундаментал тадқиқотларини хорижда кат-

Izlanish va imkoniyat

та қизиқиш билан қабул қилишмоқда. Греция, Чехия, Австрия, Корея Республикаси каби давлатларда ўтказилган илмий анжуманларда иштирок этиб, бунга яна бир бор амин бўлдим.

Нилуфар айни кунда илмий тадқиқот ишини Гликозидлар кимёси лабораториясида профессор Мамед Исаев ҳамда Генетика ва молекуляр биология лабораториясида профессор Шаҳноз Азимова раҳбарлигида амалга ошираяпти.

Ёш олиманин ЮНЕСКО — Лореал халқаро мукофотида лойиҳа деб топилган илмий тадқиқот лойиҳаси эса, ўзининг айтишича, ўзбек халқ табобатида аввалдан қўлланиб келинган лабгулдошлар оиласига мансуб *Leonurus turkestanicus*, *Marrubium alternidens*, *Phlomis pungens*, *Phlomis thapsoides*, *Phlomis salicifolia*, *Stachys betoniciflora*, *Stachys hissarica* (арсонқўйруқ, девортаги ўти, тоғрайхон, тиканли қўзиқулоқ, тоғ қуддуси, мармарак ва бошқа) ўсимликлар таркибидан биологик фаол табиий моддаларни ажратиб олиш ва уларнинг

саратонга(рак) қарши хусусиятларини ўрганишга қаратилган. Бунда ўсимликлардан ажратиб олинган (экстракт, фракция ва индивидуал моддалар) компонентларнинг ҳайвон ва одам рақ хужайраларига цитотоксик таъсири ўрганилиб, биологик тестлар натижасида цитотоксик фаол компоненти ажратиб олинади. Натижада уларнинг фаол моддалари тузилишларини (углевод, протеин, липид, алкалоид, изопреноид, фенилпропаноид ва ҳ.к) физик кимёвий усуллар (ТСХ, ВЭЖХ, колонка хроматография, ГЖХ-, ЖХ-, ГЖХ/МС, 1Н ва 13С ЯМР методлари) ёрдамида ўрганиш мумкин.

— Тузилиши маълум бўлган моддаларнинг саратонга қарши фаолликлари тиббиётда қўлланилувчи дори воситаларининг (taxol, doxorubicine, vinblastine, camptothecin, podophyllotoxin, cisplatin, cyclophosphamide ва ҳоказо) фаоллиги билан солиштирилади, — дейди тадқиқотчи. — Натижада рақ касаллигига қарши фаолликка эга биологик компонентлар ва моддаларни аниқлаш ҳамда улар асосида янги дори воситаларини яратиш имконияти вужудга келади. Бундан ташқари, ўсимликларнинг цитотоксик фаолликлари тўғрисидаги натижалар шу йўналишда олиб борилётган маълумотлар базасига киритилади ва келгусида бу йўналишдаги изланишлар учун фойдали бўлади, деган умиддаман.

Дилфуза ТОШКЕНБОВА,
«Ma'rifat» мухбири

САНЪАТИМ — САОДАТИМ

Рақс ҳис-туйғулар, фикрни сўзсиз, фақат ҳаракатлар ва юз ифодаси ёрдамида юксак маҳорат билан кўрсатиб берадиган, инсонга ором ва бир дунё завқ-шавқ бағишлайдиган ажойиб санъат туридир.

Самарқанд санъат коллежи қошидаги «Навнихол» рақс дастаси қизлари ҳам ўзларининг жозибали рақслари билан элга танилиб бормоқда. Дастанинг ранг-баранг дастурлари, турли халқлар рақслари раққоса қизлар томонидан маҳорат билан ижро қилинмоқда.

— Рақс санъати кишиларни гўзаллик ва нафосат оламига етаклайди, ёш авлоднинг маънавий дунёсини ҳар томонлама бойитади, — деди даста раҳбари, малакали ўқитувчи Феруза Бобокалонова. — Ўқувчилар бошқа миллатлар рақсларини ўрганиши билан бирга ушбу халқлар тарихи, маданияти, урф-одатлари ва аънаналари ҳақида кенг тасаввурга эга бўлади.

Рақс билан мунтазам шугулланиш қизларда чиройли қомат ва эстетик дидини шакллантиради. Энг муҳими, улар соғлом ва гўзал, санъатга ошуфта бўладилар.

— «Навнихол» рақс дастаси 2008 йил сентябрь ойида Санъат коллежи қошидаги Болалар мусиқа ва санъат мактаби хореография бўлимида ташкил этилган, — деди коллеж ўқитувчиси Нодира Қодирова. — Жамоа илк бор ўтган йили болалар ижодий жамоалари ўртасида бўлиб ўтган «Болалик баҳори» фестивалининг вилоят босқичида 1-ўринни, Республика босқичида 1-даражали дипломни қўлга киритди. «Янги авлод — 2009» болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичи совриндори бўлди ва республика босқичида фахрли ўринни қўлга киритди.

Жорий йил «Навнихол» рақс дастаси қошида жажжи қизалоқлардан иборат «Кўзмунчоқ» рақс дастаси ҳам ташкил этилди.

Феруза Бобокалонова ҳамда Замира Абдушукурова раҳбарлик қилаётган «Навнихол» ҳамда «Кўзмунчоқ» рақс дасталари шаҳар ва вилоят тадбирлари, байрам тантаналарида фаол иштирок этиб, ажойиб чиқишлари билан элга манзур бўлмоқда.

Ҳаким ЖўРАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири



Мана, умримизнинг яна бир фасли олтинранг япроқлар билан атрофга ўз зебу зийнатиини ёйиб улгурди. Бугун юракларни маҳзун хаёлларга толдириб, бир фурсат ўтган кунларимизни сарҳисоб қилишга чорлаётган куз ўлкамизда меҳмон.

Қувонарлиси, кузги боғларнинг саховатини, ганимат офтобли кунларнинг тароватини, захматкаш бободоҳоннинг меҳнатини кичкинтойларимиз ҳам эътибордан четда қолдиришмади. Тошкент шаҳри, Юнусобод туманидаги 191-мактабгача таълим муассасасида ўтказилаётган эрталиклар, байрам тадбирлари шундан дарак беради. Тарбиячи Элмира Каримова бошчилигида «Қалдирғоч» гуруҳи томонидан ўтказилган байрамона кеча тарбиячи ва мураббийларга, қолаверса, ташриф буюрган меҳмонлар — ота-оналарга ҳам бир олам қувонч улашди. Кичкинтойлар «Олтин куз» деб номланган тадбирлари давомида бу фаслнинг бор хусусиятларини ёдлаган шеърлари ва мавсумга бағишланган ўйинлари билан ифодалаб беришга ҳаракат қилишди. Унда янграган қўшиқлар, рақслар тадбирнинг энг эса қоларли қисми бўлди, албатта.

Мухаббат ШАРИФОВА



Табиат сеҳргарга ўхшайди. Дарахтнинг барглари гилам қилиб тўшаётгандек гўё. Куёш иссиқ тафтини камайтирган, изгирин шамоллар шиддат билан елади. Буларнинг бари аёз кишининг ташрифини кутаётгандек.

Манзарани рангли бўёқларда табиий акс эттиришда расомдан катта маҳорат талаб этилади. Негаки, у биз илғамаган ҳолатларни ҳам пайқай олади. У шундай асар яратиши керакки, суратда жонли табиат намоен бўлсин.

Қахрамонларимиз — бўлажак тўқувчилар. Тўғри, гапимиз аввалида рассом ва суратдан сўз очгандик. Бунинг тўқувчилик билан қандай боғлиқлиги бор демоқчидирсиз. Шошилманг.

Рассом манзарани мўйқаламда акс эттиради. Қахрамонларимиз эса, рангли ипда. Бу хунар кўпчиликка гобелен номи билан машхур. Хўш, гобелен қандай санъат, унинг ўзига хосликлари нимада?

— Гобелен — замонавий амалий санъатнинг янги турларидан бири, — дейди А.Хўжаев номидаги Республика дизайн касб-хунар коллежи касбий таълим устаси Зиёда Тиллабоева. — У бадиий гилам тўқиш хунари ҳисобланади. Гобелендан қадимда хона бе-заги, хонани иссиқ сақлаш, товушни камайтириш учун фойдаланилган. Бу санъатнинг қадим замонлардан буён ривожланганлигини ёзма тарихий манбалар ва археологик топилмалар исботлаб беради. Унинг илк намуналари VII—XI асрларда топилган.

Зиёда опа бизни устахона томон бошлади. У ерда ўқитувчи Нилуфар Бекчанова биринчи босқич ўқувчиларига гобеленнинг илк босқичидан дарс ўтаётган экан.

— Дарсимиз мавзуси: «Асосий ранг тури колоритлар ҳақида тушунча» деб номланади. — деди муаллима. — Ўқувчилар бугунги дарсга А2 форматдаги оқ қоғоз, қора қалам, ўчиргич, мўйқалам, акварель-олиб келишди. Биз гобелен учун лойиҳа тайёрлаймиз. Уйга вазифа қилиб эртақ қахрамонларини чизиб келиш топширилган эди. Бу расмлар гобеленнинг композицияси ҳисобланади. Иш аввалида расмларнинг қораламасини чизиб оламиз. Ўқувчилар содда кўринишдаги бир нечта жисмларни танлашади. Масалан, кимдир олма, шафтоли, яна кимдир эртақ қахрамонлари сурати. Расмдаги предметларни танлаш ихтиёрий. Биринчи босқич ўқувчиларига, асосан, ранглар ҳақидаги мавзуларни кўпроқ ўтаемиз.

Гобеленнинг асоси ранглар ҳисобланади. Бунда ўқувчилар 3 та асосий, қизил, сарик, кўк рангларни билишлари керак. Ана шу ранглардан янги-янгиларини кашф қиламиз. Айтайлик, қизил ва кўкдан бинафша, сарик ва қизилдан олов ранг, кўк ва сарикдан эса яшил ранг чиқарилади.

Рангларни табиатига кўра иккига ажратамиз. Аҳраматиқ, храматиқ ранглар. Аҳраматиқ рангларга оқ рангдан тўқ қорагача бўлган, храматиқ рангга

Kollej ustaxonasida

РАНГЛАР "РАҚСГА ТУШГАНДА..."

қизил, сарик, кўк, ранглар киради. Биласизми, рангларни яна совуқ ва иссиқ ранглар тоифасига ажратиш ҳам мумкин. Сарик, қизил ранг иссиқ ранглар, кўк ранг эса совуқ рангга мансуб. Лекин яшил рангни ҳам совуқ, ҳам иссиқ ранг дейишимиз мумкин. Агар кўк рангга сарик ранг кўпроқ аралаштирилса, совуқ яшил, сарикни кўк рангга кўпроқ қўшса, иссиқ яшил ранг пайдо бўлади. Гобеленда ёз фаслини ифодалаш учун иссиқ ранглардан, қиш фаслини беришда эса совуқ ранглардан фойдаланилади. Рангларни бу кўринишда фарқлаш ўқувчининг ранг борасидаги фикрлаш доирасини ўстиради. Ваҳоланки, гобеленда рангли ипларда ҳам шу жараён кечади. Масалан, қизил, сарик, кўк ипни уйғунлаштириб, яшил ипни ҳосил қиламиз.

Мана, ўқувчилар олиб келган 10 та лойиҳадан оққуш сурати туширилган суратни танладик. Иккинчи ишимиз лойиҳани гобелен дастгоҳига ўрнатиш. Бу босқичда бизга дастгоҳ, ургич, гобелен пичоғи, игна кручок, гобелен қайчиси, рангли иплар керак бўлади. Лойиҳамизни дастгоҳга ўрнатиб, тўрт томондан ип боғлаймиз. Сўнг лойиҳа ўлчамига мослаштириб, пастдан юқорига арқоқ ип тортаемиз. Энди сурат нусхасини биз тўқийдиган гиламда акс эттиришимиз лозим.

Ўқувчилар лойиҳани мукаммал ўрганиб бўлишгач, тўқишга рухсат берамиз. Негаки, лойиҳани чизиб, ранг бериб ўрганган ўқувчи ипдан ҳам уни ярата олади. Мўйқаламда чиқарган рангни ипда ундан ҳам чиройлироқ ифодалаш мумкин. Кейин лойиҳадаги рангини эслаб, уқиб олишга ҳаракат қилинса, бу гобеленни тўқиш жараёнида асқотади. Уни тўқиш учун туя, қўй жуни ипларидан фойдаланамиз. Асосан, арқоқ иплар гобеленнинг сифатли чиқишига ёрдам беради. Сабаби, бу ип энг қадимги иплардан ҳисобланиб, ундан ишланган буюм хусусияти ўзгармайди. Рангини ҳам узоқ муддат сақлайди. Гобеленда кўпроқ табиий иплардан фойдаланиш тавсия қилинади. Арқоқ иплар ҳам табиий бўлиб, улар анор, пиёз пўчоқларини юқори ҳароратда қайнатилган ҳолда

куруқ суратга айланиб қолади. Рангларни шундай маҳорат билан танлай олиш керакки, суратингиздаги ҳар бир предмет жонлансин. Фаразлар — гобеленнинг пойдевори. Соя қаерда бор, куёш нури қаерга тушган — буни фаразлар орқали англаш ва акс эттириш мумкин. Оққушнинг (дастгоҳдаги ишни кўрсатиб) қанотларига куёшнинг нури тушгандай кўринади. Тўқиётганда оққуш деталли учун 1 ёки 2 марта оловранг ипдан фойдаланасиз.

— **Оққушнинг пастки қанотлари-га денгизнинг ранги ҳам урган-дек...**

— Ҳа тўғри, ана сиз ҳам рангларни хис қиляпсиз. Денгизнинг рангини ифодалаш учун кўк ипдан фойдаланамиз. Ҳар бир ип ўрнида ишлатилса, иш ҳам сифатли, ҳам жозибадор бўлади. Суратнинг асосий чизик, ритм, ранг уйғунлиги ипнинг тузилишига ва ранг жиҳатларига боғлиқ, — дея ўқувчилар яратган бошқа ишларни кўрсатди ўқитувчи. — Ўқувчилар билан ишлаш завқли. Уларга фақат ўргатмайсиз, қайсидир маънода ўрганасиз ҳам. Шогирдларим орасида ташаббускор, янгиликка интилувчан қизларимиз кўп. Ишимиз мураккаблиги учун баъзилар қийинчиликка дуч келиши табиий ҳол. Бундай вақтларда уларга бу иш қўлидан келишини, тинмай ҳаракат қилиш кераклигини таъкидлайман. Қизлар қийин вазиятда бир-бирларига доим ёрдам беришади. Айниқса, бир лойиҳа устида ишлаётганларида бир-бирларининг фикрлари билан ўртоқлашишади.

Келажақда ўқувчиларим билан турли кўргазмалар ташкил қилишни ният қилганмиз. Қайсидир шогирдим шу соҳани эгаллаб, яхши натижаларга эришдимиз, демак, вақтим зое кетмабди.

Дарвоқе, коллежда гобелен йўналиши 2003 йили касбий таълим устаси Тўхтаҳон Юсупованинг ташаббуси билан ташкил қилинган экан.

— Мен гобелен йўналишининг биринчи қалдирғочлариданман, — деди фахрланиб Нилуфар Бекчанова. — Ўша йили 4 нафар гуруҳдошим билан Республика ёш рассомлар кўрик-танловида қатнашиб, биринчи ўринни эгаллагандим. Сўнг Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтига давлат гранти асосида ўқишга кирдим. Мана 16 йилдирки, шу хунар билан шуғулланаман.

Диққатимизни қўлларини рақсга тушаётгандек ҳаракатлантираётган қора сочли қиз тортиди.

— Биласизми, бу хунарни эгаллаш бошида менга мураккаброқ туюлганди, — деди Ситора Узоқова. — Биринчи марта ипларни қўлимга олганимда уни давом эттириб кета олармиканман, деб ўйлагандим. Кейин устозимизнинг хунар борасидаги билимлари менга асқотди.

(Давоми 16-бетда.)

ОЙ ЯКУНИ ФЕСТИВАЛИ

Jarayon

Таълимнинг сифат ва самардорлигини юқори босқичга кўтариш, ўқувчиларни билим олишга қизиқтиришда фан ойликларининг алоҳида ўрни бор. Филология йўналишидаги фанлар ойлиги давомида ёш ўқитувчилар изланувчан, ижодкор ўқитувчилардан тажриба ўргандилар, «Устоз-шогирд мактаби» намунали йўлга қўйилди. Шу каби амалга оширилган ишлар сарҳисобига бағишланган якуний шаҳар фестивали Учтепа туманидаги 116-мактабда ўтказилди. Фестиваль ТШХТББ, Учтепа ТХТБ ва Ёзувчилар уюмаси билан ҳамкорликда ташкил қилиниб, унда шоирлар Эркин Самандар, Мирпўлат Мирзо, Турсун Али, Бобур Ғиёсов ва пой-

тахтдаги она тили, адабиёт, ўзбек тили фани ўқитувчилари иштирок этди. Тадбир аввалида тайёрланган ижодий ишлар, буклет ва деворий газеталар, мунчоқда акс эттирилган шоир ва ёзувчилар портретлари кўргазмаси намойиш этилди.

Ёзувчилар уюмаси аъзолари устозларни қутлаб, ёш истеъодларни кашф этишдаги заҳматларини эътироф этишди.

ТШХТБ методисти Замира Азимбоева бажарилган ишлар ҳисоботи билан таништириб, фан ойлиги ўқувчи ва ўқитувчига нима берганига алоҳида тўхтади.

Учтепа туманидаги 203-

мактаб ўқувчиси Кимё Насриддинова устоз ва шогирд ўқитувчилар, «Касбий маҳоратни ошириш устахонаси» ишига тўхталиб, ўзи ва шогирдининг фаолиятини таҳлил қилиш мавзусида АКТдан фойдаланиб, методик тавсияларини слайдлар орқали намойиш этди.

Фестиваль сўнггида «Энг яхши тадбир ишланмаси муаллифи», «Энг яхши дарс ишланмаси муаллифи», «Энг чиройли хуснихат эгаси» номинацияси ғолибларига Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг фахрий ёрлиқлари топширилди.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
«Ma'rifat» мухбири



Боланинг баркамол вояга етишида рационал овқатланишнинг ўрни муҳим. Овқатланишнинг тартибли ва сифатли ташкил этилиши боланинг жисмоний ва ақлий ривожланиши меъёрида кечишини таъминлайди. У энергетик ва пластик функцияларни бажариб, микдор, сифат ва режим қондасига амал қилишни талаб этади. Гоҳида ана шу қондаларга риоя қилинмаганда, овқатдан заҳарланиш ҳолатлари келиб чиқиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, ҳукуратимиз томонидан таълим муассасалари ошхоналари фаолиятини намунали ташкил этиш орқали ўқувчига тақлиф этилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва турига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Болада тартибли ва тўғри овқатланишга доир зарур билим ва кўникмалар ҳосил қилиш ҳам долзарб аҳамиятга эга. Шу маънода Республика таълим маркази томонидан тегишли фан мавзулари доирасида ўқувчиларга рационал овқатланишга оид билимларни бериш юзасидан ишлаб чиқилган тавсия эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

чиқданак мағизлари истеъмол қилинганида (шафтоли, ўрик, олча, бодом) улар таркибиданги амигалин организмда гидролизланиши натижасида цинил кислотасини ҳосил қилади. Баъзан картошка қиш кунлари нотўғри сақланиши ва баҳорда ўсиб кетиши натижасида, унинг таркибидан солонин моддаси ҳосил бўлиб, гемолитик хусусиятни келтириб чиқаради. Бунда қон агрегациясида иштирок этадиган элементларнинг парчаланиши натижасида қоннинг суюлиши рўй беради. 5—6-синф ботаника фанини ўқитишда заҳарли ўсимликларга оид тушунчаларни ўқувчиларга етказиш орқали заҳарланиш ҳолатлари нисбатан камайишига эришиш мумкин.

ичимликлар ҳозирда ўқувчиларнинг асосий таомига айланиб қолган. Дарсдан ташқари ва тарбиявий соатларда мазкур мавзулар бўйича суҳбатлар ташкил этиш яхши самара беради.

Айрим ота-оналар фарзандларининг паст ўзлаштираётганидан, жисмоний жиҳатдан тенгдошларидан орқада қолаётганидан шикоят қилади. Бунинг замирида ҳам маълум даражада тўғри овқатланиш қондаларига риоя этилмаганлиги ётади. Тадқиқотларга кўра, 3 та асосий микроэлемент — йод, темир ва рух миянинг иш қобилиятини таъминлар экан. Кузатишлар шуни кўрсатадики, сўзлардан жумла тузиш, қўлнинг нозик ҳаракатлари, диққат, кўриш ва

Tavsiya



2-синф — Витаминлар ва уларнинг саломатлик учун аҳамияти ҳақида тушунча.

3-синф — Овқатланишнинг саломатлик ва тўғри ривожланишдаги аҳамияти.

Спиртли ичимликлар (алкогол) ва саломатлик.

4-синф — Овқатланиш ва саломатлик.

Соғлом авлод асослари.

5-синф — Овқатланишга қўйиладиган гигиена талаблари.

Заҳарли моддалар ва токсикомания ҳақида тушунча.

6-синф — Тўғри овқатланишнинг саломатлик учун аҳамияти.

Инсон нима сабабдан касал бўлади?

7-синф — Витаминлар ва микроэлементлар.

8-синф — Алкоголизм ва тамаки чекишнинг олдини олиш.

9-синф — Гиёҳванд моддаларга қарши «Йўқ» деб айтиш.

Таълим муассасаси раҳбарияти, ўқитувчилар ва муассаса ҳамширасининг бу борада қилиши лозим бўлган вазифалари мавжуд. Улар муассаса худуди, ўқув биноси, спорт зали, овқатланиш жойлари, хожатхонанинг тозаллиги, қўл ювиш учун сув, совун каби воситалар билан таъминланганлигига эътибор қаратиши, ўқувчиларнинг шахсий гигиена қондаларига риоя этишларини назорат қилиш ва мунтазам равишда тушунтириш ишларини олиб боришлари керак. Муассаса ошхонасида тайёрланадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва уларнинг талаб даражасида санитария-гигиена қондаларига риоя этилган ҳолда тайёрланганлиги, ичимлик суви сифатини қатъий назоратта олиш, ўқувчилар саломатлигини доимий назорат қилиб бориш лозим.

Ўз навбатида ўқувчилар ҳам қуйидаги шахсий гигиена қондаларига амал қилишлари шарт:

- эрталаб уйқудан тургандан сўнг албатта яхшилаб ювиши;
 - ҳар куни эрталаб ва кечкурун тишларни тозалаш;
 - овқатланишдан олдин ва хожатхонадан чиққан, қўлларни совунлаб ювиши;
 - ухладан олдин юз, қўл ва оёқларни ювиши;
 - доимо озода кийиниши;
 - ички кийимларни тез-тез алмаштириб туриши;
 - ўрин-кўрпа, кийим ва оёқ кийимларнинг алоҳида бўлиши;
 - оёқланг юрмаслик;
 - тирноқларни калта қилиб олиб юриши;
 - шахсий сочиқ, тароқ ва тиш чўткасидан фойдаланишга одатланишлари лозим.
- Ана шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, болалар овқатининг сифатини назорат қилиб бориш ҳар бир биримизнинг муҳим вазифамизга айланиши лозим.

Б.ТОШНИЯЗОВ,
Республика таълим маркази
Жисмоний камолот ва саломатлик бўлими бошлиғи
Б.РАҲИМОВА,
Юнусобод туманидаги
105-мактабнинг биология фани ўқитувчиси

БОЛАНИНГ ТАРТИБЛИ ОВҚАТЛАНИШИ

унга ким масъул?

Овқатдан заҳарланиш сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари, заҳарли ўсимликлар, дори препаратларини билиб-билмай таом орасида истеъмол қилиш, таомларни нотўғри сақлаш, маҳсулотларни нотўғри консервалаш, ўқувчи уйдан келтирган тайёр озиқ-овқатнинг нотўғри сақланиши ёки вақтида истеъмол қилинмаслиги натижасида келиб чиқади.

Заҳарланишнинг биринчи белгилари, одатда, овқат истеъмол қилинганидан 30 дақиқа ўтган намоён бўлади. У гепатит А вирусларини чақиритиши мумкин. Бунда тана ҳарорати кескин ўзгаради, иштаҳа йўқолади, кўзнинг оқсил пардаси ва тери сарғиш ранга киради. Агар заҳарланиш ювилмаган мева ва сабзавотлардаги пестицидлар орқали ўтган бўлса, бунда умумий ҳолсизлик, спазма, кучли сўлак ажралиши кузатилади. Гепатит А билан энг кўп касалланиш ҳолати куз-қиш мавсумига тўғри келади. Касалликнинг эпидемик авж олиши одатда болалар муассасаларида кузатилади. Бу касалликни юқтирган бемор ўша дақиқадан бошлаб жамоадан ажратилиши лозим.

Овқатдан заҳарланиш қуйидаги ҳолларда кузатилади:

— **касалланган ҳайвон гўшти, ўрдак, товуқ тухумини билиб-билмасдан истеъмол қилиш натижасида сальмонелла гуруҳига кирувчи микроблар кўзгатадиган заҳарланиш** вужудга келади. Сут маҳсулотлари, музқаймоқ ҳам бунга сабабчи бўлиши мумкин. Заҳарланишнинг бу турида беморнинг тана ҳарорати кўтарилиб, кўнгил айниши, қусиш, бош оғриғи, ошқозонда оғриқ кузатилади. Ушбу масалага оид тушунчаларни ўқувчилар онгиде шакллантириш ва янада мустақамлаш учун 7-синф зоология фанидаги "Қушлар" ва "Сут эмизувчилар" бобида оид ҳамда 8-синф одам ва унинг саломатлиги фанидаги "Овқат ҳазм қилиш аъзолари гигиенаси", "Меъда ва ичак касалликлари ва уларнинг олдини олиш" каби мавзуларга алоҳида аҳамият қаратилиши лозим:

— **озиқ-овқатнинг нотўғри сақланиши, санитария гигиена қондаларига риоя қилмаслик (пашша, суварак ва бошқа ҳашарот турларидан юқадиган бактериялар) натижасида вужудга келадиган заҳарланиш.** 7-синф зоология фанидаги "Ҳашаротлар", 9-синф биология фанидаги "Цитология" боби мавзуларини ўқитишда ҳам ҳайвонлар фаолияти орқали келиб чиқа-

диган заҳарланишнинг олдини олишга оид тушунчаларни ўқувчиларга етказиш мумкин;

— **ботулизм-анаэроб шариоитда яшовчи таёқчасимон бактериялар-бациллалар келтириб чиқарадиган заҳарланиш.** Бу заҳарланиш турида тупроқда яшайдиган ботулизм таёқчаси сувга, ундан мева, сабзавотлар орқали одам, балиқ, ҳайвонлар ичагига тушиши ва кўпайиши натижасида келиб чиқади. Киши организмга тушган токсин меъда ва ичакда тез сўрилиб, қонга ўтади, асаб тизимини жароҳатлайди. Тана ҳарорати тушиб кетади, оғиз қуриydi, гоҳида овоз чиқмай қолади, ютиш қийинлашади, умумий ҳолсизлик, кўнгил айниши, қусиш, қорин оғриғи кузатилади, ёруғликни сезиш ҳисси пасаяди;

— **сут ва сут маҳсулотлари, балиқ консерваларида ривожланувчи стофилококк микроблари орқали заҳарланиш.** Касалликда умумий ҳолсизлик, қориндаги кучли оғриқ, кўнгил айниши, қусиш кабилар кузатилади;

— **мева ва сабзавотларга гексахлоран ва бошқа кимёвий воситалар билан ишлов берилиб, ювилмасдан истеъмол қилиниши натижасида келиб чиқадиган заҳарланиш.** Бундай заҳарланишнинг олдини олиш учун ота-оналар, мактаб ва маҳалла жамоалари ўқувчи-ёшларга мунтазам тушунтириш ишларини олиб бориши лозим;

— **кўзиқориндан заҳарланиш.** Таркибидан заҳарли моддалар бўлган кўзиқорин истеъмол қилинганда, суюқ ич кетиши, марказий нерв системасининг жароҳатланиши каби белгилар кузатилади. 9-синф биология фанида "Замбуруғлар" мавзуси ўтилаётганда ўқувчиларга заҳарли замбуруғлар, уларнинг турлари ва хусусиятлари ҳақида кенгрок маълумот бериш лозим;

— **ўсимликлардан заҳарланиш.** Бунда заҳарли ўсимликлар — бангидевона, мингдевона, бодиён, парпи, маржонбута, айникса, кампирчопондан заҳарланишда энцефалит касаллиги ривожланиши мумкин. Айрим ҳолларда ач-

Заҳарнинг табиятига ва қандай йўллар билан организмда сўрилишига қараб касаллик турли кўринишда кечиши мумкин, бироқ барча ҳолларда зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш лозим.

Заҳарланган одам иложи борича кўпроқ суюқлик истеъмол қилиши, кўк чой, наъматак дамламаси, лимон шарбатли сувни ичиши, овқат қолдиқларининг ҳаммасини меъдадан чиқариб ташлашга эришиш керак. Фаоллашган кўмир, С витамини таблеткаларини қабул қилишнинг самараси бор.

Заҳарланишнинг олдини олиш, бундай ўткир касалликка чалинмаслик учун, аввало, истеъмол қилинаётган озиқ-овқатларни тўғри сақлашга, сотиб олинаётган гўшт, сут, балиқ, товуқ маҳсулотлари сифатига жиддий эътибор бериши керак.

Дўкон пештахталари кундан-кун янги ва хилма-хил маҳсулотлар билан тўлиб бормоқда. Албатта, таом тайёрлашда вақтни тежаш учун дўкандан олинган ярим тайёр маҳсулотларнинг ўрни бекиёс. Қолаверса, таомлар ассортиментини кенгайтириш, дастурхонга тортилган неъматларнинг турини ошириш учун бу усул бирмунча қулай. Масаланинг иккинчи томони ҳам борки, ялтироқ қоғоз ва целлофанлардаги маҳсулотлар ўзининг соф ҳолатини сақлаб қолиши учун уларга озуқа қўшимчалари солинади. Истеъмолчига етказиш учун маҳсулот таркибига қўшилган консервантлар маҳсулотнинг сифатсизлашишига олиб келиши мумкин.

Бу ўринда эса 9-синф ўқувчиларига кимё фанининг органик моддаларга оид мавзуларини ўқитишда озуқа қўшимчаларининг таркиби ва хусусиятларига аҳамият қаратиш лозим. Бундан кўзланган мақсад озуқа қўшимчалари қўшилган маҳсулотларни қоралаш эмас, балки истеъмол қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг кафолатига эътиборни кучайтириш, овқатланишнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларига амал қилишдан иборат. Чунки майонез, кетчуп, қизилбўёқ қўшилган «морковча»ли гамбургер, хот-доғлар, рангли

эшитиш ҳомиладорлик вақтида йод препаратини истеъмол қилган оналарнинг фарзандларида яхшироқ ривожланган. Организмда темир элементи етишмаганда эса болаларнинг ранги синиқ, бефарқ, мияга кислород меъёрида етиб келмаганлиги учун ҳорғин аҳволда бўладилар. Бундан ташқари, бу болаларда хотира сусаяди, диққат, фикрлаш қобилияти пасаяди, фанларни ўзлаштириш қийин кечади.

Рухнинг организмда меъёрида бўлмаслиги аллергия касалликларнинг ривожланишига, жинсий балоғат даврининг кечикишига, бепуштлиқка олиб келади. Рух мияни турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилади. Хўш, бу элементларга бой маҳсулотлар қайсилар? Темир — гўшт, жигар, дуккақдошлар, гречка ёрмаси, тариқ каби донлиларда; рух элементини — тухум, кўзиқорин, балиқ маҳсулотларида кўп учрайди.

Заҳарланиш ҳолатларига йўлиқмаслик учун овқатланишнинг гигиеник талабларини доимо ёдда тутиш керак. Биринчи навбатда овқатланишдан олдин қўлни совунлаб илиқ сувда ювиш, мева ва сабзавотларни тозалаб чайиш, гўшт ва сут маҳсулотларини музлаткичда сақлаш керак. Хом тухумни истеъмол қилиш ярамайди. Гўшт ва денгиз маҳсулотларидан тайёрланадиган овқатларни меъёрига етказиб пишириш лозим. Маҳсулотлар тўғраладиган тахтакачларни ва идишларни тозалаб ювиб ишлатиш даркор. Консерваланган маҳсулотлар сақланган идишлар очилганда қопқоғини занг босган бўлса, ичидаги маҳсулотни зинҳор истеъмол қилмаслик керак.

Шунингдек, тўғри овқатланиш қондалари ва заҳарланишнинг олдини олишга қаратилган маълумотларни **Саломатлик ва Соғлом авлод асослари дарслари** орқали ўқувчиларга етказиш мақсадга мувофиқдир.

Куйида ушбу мавзулар келтириб ўтилган:

Саломатлик дарслари.
1-синф — Овқатланиш гигиенаси.

TON VA YARIM TONLIKLAR

**Musiqada alteratsiya belgilari
Musiqada dinamik belgilar
(3-sinf)**



Musiqafani shu ma'noda foydaliki, kimning fe'l-atvori, muvozanati yo'qolgan bo'lsa, uni tartibga keltiradi.

FOROBIY

Darsning ta'limiy maqsadi: o'quvchilarning ton va yarim tonliklarni qanday o'lchash, alteratsiya belgilaridan qanday foydalanish lozimligi, dinamik belgilar qanday hollarda ishlatilishi xususidagi bilimni mustahkamlash.

Tarbiyaviy: o'quvchilarga milliy qadriyatlarimiz va urf-odatlarimizga hamohang kuy-qo'shiqlar haqida ma'lumot berish.

Rivojlantiruvchi: o'quvchilar o'zlari mustaqil fortepianodan ton va yarim tonliklarni aniqlab ko'rsatib beradigan notalarning joylashuvini mukammal o'rganib, nay, chanqovuz asboblardan unumli foydalana oladilar.

Darsning jihozi: darslik, fortepiano, nay, chanqovuz, doira...

Darsning turi: umumlashtiruvchi.
Foydalanadigan metodlar: guruhlarda ishlash, aqliy hujum, «Jumboqlar ko'chasi» va «Mo'jizalar maydoni» rebuslari.

Darsning borishi: har bir guruh o'zining taqdimoti bilan chiqadi.

1-guruh: «Barchinoy» — Boysun-Qo'ng'iroq elining malikasi, go'zal, oqila, dovyurak, qo'rqmas, pahlavon qiz.

2-guruh: «Alpomish» — Boysun-Qo'ng'iroq elining mard o'g'loni, dovyurak, jasur yigit.

3-guruh: — Xalq orasida Rustami doston nomi bilan shuhrat qozongan jasur, mard o'g'lon.

O'qituvchi: — Aziz bolajonlar, endi bugungi darsimiz mavzusi: ton va yarim tonliklar, alteratsiya va dinamik belgilarni mustahkamlab olamiz. Xo'sh, ton va yarim tonliklar deb nimaga aytiladi?

O'quvchi: — Musiqatovushlarining orasidagi masofalar ton va yarim tonliklar deb ataladi. Agar ikkita oq klavish oralg'ida bitta qora klavishi bo'lmasa, u yarim ton bo'ladi.

Fortepiano orqali tushuntirib beradilar.

Ton va yarim tonliklar.

- | | |
|--------------|------------|
| 1. re — fa - | do — lya - |
| do — fa - | do — do - |
| si — do - | mi — sol - |
| sol — do - | fa — si - |
| 2. do — fa - | do — do - |

Bir soatlik dars

- | | |
|--------------|------------|
| re — si - | mi — do - |
| fa — lya - | sol — si - |
| si — do - | lya — do - |
| 3. si — do - | re — si - |
| mi — fa - | fa — lya - |
| do — do - | mi — si - |
| fa — do - | sol — si - |

O'qituvchi: — Keyingi mavzuimiz «Alteratsiya» belgilari. Qani, kim aytadi alteratsiya belgilari deb nimaga aytiladi?

O'quvchi: — Tovushqatorda joylashgan asosiy yetti pog'onadagi notalar zarur bo'lgan paytda yarim ton ko'tarilishi yoki yarim tonga pasayishi mumkin. Bu belgilar «alteratsiya» belgilari deb nomlanadi.

O'qituvchi: — «Charxpalak»ni aylantirib olamiz va tushgan raqamlar orqali krossvordlarni yechamiz.

«Alteratsiya» belgilari:

F							
O							
R							
T							
E							

- Musiqasobobi.
- Musiqasobobining surati.
- Musiqaning qaytarilish belgisi.
- Musiqaning usuli.
- Tovush jo'shqinligi.

P					
I					
A					
N					
O					

- Sho'x raqs.
- She'rni qanday o'qish kerak?
- Ona qo'shig'i.
- Qo'shiq kuylaganda nimani to'g'ri olish kerak?
- Turli cholg'ulardan kuy ijro qiluvchi.

D					
I					
M					
I					
N					
U					
B	E				
N					
D					
O					

- Eng birinchi nota?
- Qanday chorakli o'lchovga dirijyorlik qilganda avval qo'llarimiz pastga, keyin yuqoriga qarab harakatlanadi?
- Nimaning tizilmasidagi kuylar sho'xchan va jozibali bo'ladi?
- 1-tonda nechta yarim ton bor?
- Nimchorak pauza qanday notaga teng?
- Har qanday major va minor tovush qatorlarining o'rnashgan...lari bo'ladi?
- ♩ — ushbu belgi nomi?
- ♩ — ushbu pauza nomi?
- ♯ — ushbu belgining nomi?
- Yunoncha so'z bo'lib, turli cholg'ulardan kuy ijro qiluvchi sozandalardan tuzilgan jamoa nomi?

O'qituvchi: — Endi dinamik belgilar mavzusiga doir bilimlarimizni mustahkamlaymiz.

O'quvchi: — Kompozitor biror-bir musiqasarin yaratganda, ma'lum bir qismlari kuchli yoki kuchsiz ijro qilinishi tahlil belgilar bilan ko'rsatiladi. Bu belgilar «Dinamik belgilar» deb nomlanadi.

O'quvchilar dinamik belgilarni aniqlash uchun musiqatinglab, ishlatilgan dinamik belgilarga daxldor javoblar beradilar.

Hay'at a'zolari ishlarni baholagunga qadar o'quvchilar musiqacholg'u asboblari haqidagi bilimlarini namoyish etadilar:

- 1-raqamda — doira;
- 2-raqamda — dutor;
- 3-raqamda — rubob cholg'u asboblarni izohlab beradilar.

O'qituvchi: — Bolajonlar, folklor ansambllarida qanday cholg'u asbobi ko'proq ishlatiladi?

O'quvchi: — Chanqovuz.

O'qituvchi: — Hozir chanqovuz cholg'u sozida kuy ijro qilamiz va tinglaymiz. O'tgan darsda o'rgangan «Hey lola» qo'shig'ini kuylaymiz. Bizga bir dona tarelka, bir dona angishvona kerak bo'ladi.

O'qituvchi: — (qo'shiq kuylangandan so'ng): — Oxirgi mavzuimiz bo'lgan debat metodidan foydalanamiz. Bunda har bir guruh o'zlarining shu mavzulardan qanday taassurotlarga ega bo'lganlarini aytadi. O'quvchilar javob beradilar. O'quvchilar o'zbek xalq qo'shig'i «Hey lola»ni ijro etadilar.

Lolachada ishim bor, hey lola, Kissamda kishmishim bor, hey lola. Kishmish bo'lsa mayliga, hey lola yo, Qiz bolada ishim bor, hey lola.

Tom ustida piyola, hey lola, Ichi to'la gullola, hey lola. Gullolani ko'rganda, hey lola yo, Sanab-sanab uz lola, hey lola.

Lola o'zi qiz lola, hey lola, Qirda o'sgan qiz bola, hey lola. Lolachani ko'rganda, hey lola yo Sanab-sanab uz bola, hey lola. O'quvchilar baholanadi.

Uyga vazifa: Mavzularni takrorlab, notalarni qaytarib kelish.

**N.QURBONOVA,
Chirchiq shahridagi
2-maktab o'qituvchisi**

Sinab ko'ring

Tarix ilmi yuksak ma'naviy fazilatlarini kamol topтиради, миллий анъаналарга, урф-одатларга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат ҳиссини шакллантиради. Ватанни эъзозлаш ҳамда моддий ва маънавий меросни асраб-авайлаш каби ҳислатларни тарбиялайди. Шундан хулоса чиқариб тарих фанини мукаммал ўқитиш ва ўқувчиларга етарлича билим беришда фақат дарсликлар билан чегараланиб қолинмаслиги керак. Фанда олиб борилаётган тадқиқотлар, ўтмишнинг очилмаган қирраларини, олим археологларимизнинг кашфиётлари тўғрисидаги мақолалар ўқувчиларнинг фанга қизиқишини янада оширади. Масалан: «Халқ сўзи» газетасининг 2010 йил 9 июл №136 (5051) сонида chop этилган олимларимиз Т.Мирзаев, Д.Зияева, И.Тўхтабоевнинг «Жой номлари — тарих кўзгуси» номли мақолада Марғилон депараси — шаҳарсозлиги борасида қандай изланишлар олиб борилаётганлиги тўғрисида маълумотлар берилган.

**МАТБУОТ
МАТЕРИАЛЛАРИДАН
ФЙДАЛАНИШ**

**дарс самарадорлигини
оширади**

Ўқитувчи «Ўзбекистон тарихи» ҳамда «Жаҳон тарихи» фанларида мавзуларга доир матбуот материаллари билан куролантирилиши мақсадга мувофиқдир. Бундай матбуот материаллари мавзунинг маърузалар матнига қўшиб қўйилади. Мавзуга доир сўнги янгиликлар мақолаларда ёритилганлиги илова қилинади. Масалан: «Тафаккур» журналининг 1999 йил 18-сонида Хайрулла Исмаиловнинг «Бухоро амирининг махфий мактуби» номли мақоласи 9-синф «Ўзбекистон тарихи» дарслигида «Бухоро амирлигининг босиб олиниши» мавзусини тўлақонли очишга ёрдам беради.

45 минутлик ёки 80 минутлик дарс вақти баъзида ўқувчилар учун мавзунинг ўрганишга, унга илова қилинган матбуот материаллари билан танишишга етмаслиги мумкин. Шунда тарих тўғрисидаги катта ёрдам беради. Мақолалардаги воқеалар хотимасига, тадқиқотлар натижасига қизиққан ўқувчилар бевосита тўғрақ аъзосига айланади. Бу эса тўғрақ ишини янада жонлироқ олиб боришда самаралидир.

Ўқитувчи фанга ўқувчиларни нечоғлиқ жалб қила олиши унинг педагогик маҳоратига боғлиқ. Устоз ўқувчиларга тарихий мазмундаги мақола ва адабиётларни топишни уй вазифаси қилиб берса, ўқувчилар ўзи устида мунтазам ишлайди. Дарсининг кўзланган мақсадга эришишида ўқувчилар ҳам ўзининг ҳиссасини қўшади. Ўқитувчи уларни рағбатлантириши керак. Жумладан, ўқувчи қидириб топган мақолани ўзига ўқитиш; баҳосини кўтариш, уни бошқа болаларга ўртак қилиб кўрсатиш каби рағбатлантиришлар бошқа ўқувчиларни ҳам жонлантиради. Бу муҳит эса келгуси дарсларнинг қизиқарли ўтишига замин яратеди.

Шундай экан, биз устозлар, дарс мавзуларини шунчаки тушунтириб эмас, мавзуларни кўргазмани куроллар ва матбуот материаллари билан ҳамда замонавий педтехнологиялардан фойдаланиб олиб борсақ, юксак салоҳиятли ва билимли ёшларни тарбиялашга ўз ҳиссамизни қўшган ҳисобланамиз.

**Ойгул НУРИДДИН қизи,
Тошкент вилояти ижтимоий
иқтисодийт коллежи ўқитувчиси**

ТАНЛОВГА ТАКЛИФ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2011-2012 ўқув йили учун қуйидаги ўқув фанлари бўйича такомиллаштирилган Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари асосида қуйидаги муаллифлар ўртасида 1-, 4-, 5-, 8-, 9- синфлари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларини ишлаб чиқиш бўйича **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Т/р	Дарслик номи	Синфи	Муаллиф(лар)нинг Ф.И.Ш.
1.	Одобнома (Ўзбек ва қардош тилларда)	1	О.Хасанбоева, М.Иноятова,
			С.Олимов
			Қ.Абдуллаева, С.Раҳмонбекова
2.	Одобнома (Ўзбек ва қардош тилларда)	4	О.Хасанбоева, А.Негматова,
			С.Олимов
			М.Холиқова, Ш.Эргашева,
3.	Меҳнат таълими (барча тилларда)	1	Х.Санақулов, Д.Ходиева, С.Умаров
			Қ.Раҳимов,
			Ч.Шокирова, А.Жўраева
4.	Меҳнат таълими (барча тилларда)	4	И.Маннопова, Р.Мавлонова, Н.Ибрагимова
			Х.Санақулов, Д.Ходиева,
			Қ.Раҳимов
5.	Меҳнат таълими (барча тилларда)	5	И.Маннопова, Р.Мавлонова, Н.Ибрагимова
			И.Каримов
			Ш.Шарипов, Н.Муслимов, Ў.Толипов
6.	Математика (барча тилларда)	4	Қ.Абдуллаева, М.Мўминова, О.Қўйсин
			С.Аҳмадалиев, В.Сатторов
			Н.Бикбаева, Э.Янгабаева, К.Гирфанова
7.	Математика (барча тилларда)	5	А.Қўчқоров, М.Мирзааҳмедов, У.Раҳмонов,
			Г.Ибрагимова
			М.Мирзааҳмедов, А.Раҳимқориев
8.	Табиатшунослик (барча тилларда)	4	Б.Хайдаров
			П.Фуломов, М.Тиллабоева
			А.Бахронов, М.Боситхонова
9.	Тасвирий санъат (барча тилларда)	5	А.Сулаймонов, З.Сулаймонова
			Т.Қўзиев, С.Абдурасулов, Ў.Нуртоев
			Қ.Усмонов, У.Жўраев, М.Муйдинова,
10.	Тарихдан ҳикоялар (барча тилларда)	5	Д.Зиёева, Н.Мустафаева, Д.Кенжаев,
			Н.Нарзиев
			А.Сагдуллаев, В.Костецкий
11.	Ўзбек тили (рус ва қардош тилларда)	5	Х.Мухиддинова, Я.Авлақулов
			У.Лафасов,
			А.Рафиев, Г.Мухаммаджонова,
12.	Алифбе (A'lipbe) (қорақалпоқ)	1	Н.Оловуддинова
			А.Даулатов, М.Худайбергенов,
			Г.Абдукаримова
13.	Ёзув дафтари (қорақалпоқ)	1	Қ.Хўжамуротова
			А.Даулатов, М.Худайбергенов
			Қ.Хўжамуротова, Н.Таженов
14.	Она тили (Ана тили) (қозоқ)	1	М.Умаров
			У.Бойқобилов, Г.Нишонова, М.Темирбоева,
			Р.Усерова, Д.Солибоева
15.	Ўқиш китоби (Оқу китоби) (қозоқ)	1	М.Умаров
			Р.Усерова, Г.Нишонова
			У.Бойқобилов, Г.Нишонова, М.Темирбоева,
16.	Қозоқ тили (қазақ тілі)	5	Г.Бойтўраева
			Қ.Сейданов, Г.Нишонова
			С.Досимбетова
17.	Адабиёт (Эдебиет) (қозоқ)	5	Т.Чориев, Собир Солиев, З.Умиров,
			Солибой Солиев
			Ж.Эшонқулов, Ю.Азимов
18.	Она тили (Забони модари) (тожик)	1	З.Тохириён, Ф.Маҳмудов, Р.Мўминжонов
			Т.Чориев
			Собир Солиев, Р.Мисриева, Солибой Солиев
19.	Ўқиш китоби (Китоби хониш) (тожик)	1	А.Қамарзода,
			Ю.Азимов, Ж.Эшонқулов
			Т.Чориев
20.	Тожик тили (Забони тоҷикӣ) (тожик)	5	Собир Солиев, Р.Мисриева, Солибой Солиев
			А.Қамарзода,
			Ю.Азимов, Ж.Эшонқулов
21.	Адабиёт (Адабиёт) (тожик)	5	А.Юнусалиева, О.Тўйчибоева
			Айнура Зулпихарова, Айнагул Зулпихарова
			А.Юнусалиева, О.Тўйчибоева
22.	Она тили (Эне тили) (қирғиз)	1	Айнура Зулпихарова, Айнагул Зулпихарова
			А.Юнусалиева, О.Тўйчибоева
			Айнура Зулпихарова, Айнагул Зулпихарова
23.	Ўқиш китоби (Оқу китеби) (қирғиз)	1	М.Темирова, М.Содиқова, С.Айимахмедова
			Н.Алисултонова
			М.Темирова, М.Содиқова, С.Айимахмедова
24.	Қирғиз тили (Кыргыз тили)	5	Г.Эралиева, Айнагул Зулпихарова, Д.Маматалиева
			Г.Абдуллаева, Г.Велбеков, К.Холлиев
			О.Аманназарова, Г.Бердиева
25.	Адабиёт (Адабият) (қирғиз)	5	Г.Абдуллаева, Г.Велбеков, К.Холлиев
			О.Аманназарова, Г.Бердиева
			Г.Союнова, Г.Назарова, Б.Мухаммедова
26.	Она тили (Ene dili) туркман	1	А.Қадиров, Т.Байтанов
			К.Раззоқова, Г.Велбеков
			Х.Абдуллаев, Б.Пашшиев
27.	Ўқиш китоби (Oquw kitaby) (туркман)	1	Г.Союнова, Г.Назарова, Б.Мухаммедова
			А.Қадиров, Т.Байтанов
			К.Раззоқова, Г.Велбеков
28.	Туркман тили	5	Х.Абдуллаев, Б.Пашшиев
			Г.Союнова, Г.Назарова, Б.Мухаммедова
			А.Қадиров, Т.Байтанов
29.	Адабиёт (туркман)	5	К.Раззоқова, Г.Велбеков
			Х.Абдуллаев, Б.Пашшиев
			Г.Союнова, Г.Назарова, Б.Мухаммедова

Танлов Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган тартиб-қоидалар асосида ўтказилади.

Танловда иштирок этувчи муаллифлар гуруҳлари тайёрлаган дарслик ва ўқув-методик комплексларнинг тўлиқ ишлаган нусхалари ва ҳужжатларини 2011 йил 10 март куни Тошкент вақти билан соат 14:00 га қадар топширишлари керак.

Танловда қатнашаётган муаллифлар гуруҳлари танлов ҳужжатларини 2010 йил 10 ноябрдан бошлаб ҳар куни (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 14:00 дан 18:00 га қадар қуйида кўрсатилган манзилдан олишлари мумкин.

Тошкент шаҳар, Фурқат кўчаси, 174-уй, Республика таълим маркази.

Тел: 227-04-12, 245-18-50, 239-14-01, 239-40-81.

Танлов таклифлари 2011 йил 10 март куни соат 15:00да барча иштирокчилар вакиллари иштирокида очилади. Танловга кечикиб топширилган таклифлар очилмаган ҳолда иштирокчиларга қайтарилади.

Ўзбекистон Республикаси Электротехника саноати Акциядорлик уюшмаси

«Elxolding» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси

Ўқув-лаборатория жиҳозларини ишлаб чиқариш ва сотиш бозорида устувор корхона сифатида

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси

томонидан Давлат реестрига киритилганлигини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган Олий таълим муассасалари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактабларини кимё, физика, биология, математика, ёшларни бошланғич ҳарбий таълимга тайёрлаш ўқув хоналари учун ўқув-лаборатория жиҳозлари ҳамда умумтаълим фанларидан ўқув-методик кўргазмали қуроллар, плакатлар, ўқув-методик кўргазмали проекцион слайдлар тўпламларини етказиб бериш бўйича тендер савдоларисиз тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси томонидан белгиланган ва Молия вазирлиги билан келишилган нархларда шартнома тузишга таклиф қилади.

Шартномаларни тузиш тартиби ҳамда буюртмалар тайёрлаш тўғрисида батафсил маълумот олиш истагини билдирган таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар ўз таклифлари билан қуйидаги манзилларга мурожаат қилишлари мумкин:

140129, Самарқанд шаҳри, Ў.Юсупов кўчаси, 2-уй. «Elxolding» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, асосий офиси.

Телефонлар: (8-366) 234-22-72, 234-25-13, 234-30-58, 234-08-47(факс).

E-mail: elxolding@el.uz

100031, Тошкент шаҳри, Сарабўстон кўчаси, 3-б уй, «Elxolding» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент шаҳридаги ваколатхонаси.

Телефонлар: (8-371) 239-88-58, 239-88-57(факс).

E-mail: almezon@mail.ru

Одатдагидек янгилик, электрон почтамга келган хабарлардан бохабар бўлиш учун интернет-кафега кирганимда, ёнимдаги компьютерга бошлангич синф ўқувчиси билан унинг отаси келиб ўтирди. Ота интернетда ишлашни яхши билмайди шекилли, боласидан керакли «кўрсатмалар» олиб, биргаликда ўзларига зарур маълумотларни қидириб топа бошлашди. Болакайга ҳавасим келди. Негаки мен компьютернинг содда дастурларида, сўнг эса интернетда ишлашни талаба бўлгачгина ўргангандим. Афсуски, мен таълим олган қишлоқ мактабида компьютер саводхонлиги дарсларида ўқитувчиларимиз бизга фақатгина назарий билим беришган эди.

Пойтахтга келиб олий ўқув юртига ўқишга киргач эса, компьютердан фойдаланиш борасида амалий кўникмаларим йўқлиги сабабли жуда қийналдим. Ҳар бир инсон малакали мутахассис бўлиши учун компьютер саводхонлигига эга бўлиши лозим экан. Интернет билан ишлаш эса жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар билан тезда танишиш, зарур маълумотларни олиш имконини беради. Ҳозирда ушбу тармоқ арзон ва қулай ахборот манбаи сифатида беминнат кўмакчимизга айланган.

ВИРТУАЛ ДУНЁ “МУЪЖИЗАЛАРИ”

кимга фойда, кимга зарар?

Бундай кўмакчимиз хусусида сўз борар экан, унинг ёшларга салбий таъсири ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Илгарилари ёшларнинг дунёқараши ва ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари асосан ота-онаси, маҳалла-кўй ҳамда устозларининг кўмагида шаклланган бўлса, бугун уларнинг онгига таъсир кўрсатувчи ахборот воситалари ичида интернет алоҳида ажралиб туради. Замон билан ҳамнафас қадам ташлаш учун ахборот майдонидан унумли фойдаланиш зарур. Аммо ёшларнинг аксарияти ўзи учун зарур ва фойдали ахборотни танлаб олишда собитқадам бўлмай, адашишлари ҳам мумкин.

Интернетда ахборот кўлами шу қадар каттаки, тармоқдан фойдаланишда уларни танлаш ва саралаш зарур. Аммо ёшлар кўп ҳолатларда бунинг уддасидан чиқа олмаяптилар. Оқибатда интернет айрим ҳолларда ахлоққа зид, яъни миллий менталитетимизга ёт бўлган “одат”лар тарғиботчисига ҳам айланиб қолмоқда.

Шундай экан, ёшларнинг интернет билан бандлигини тартибга солиб, буни катталар назоратида амалга ошириш зарур, деб ўйлайман. Интернет-кафе маъмурияти ўқувчиларнинг турли беҳаё, зўравонлик, ирқчиликни тарғиб қилувчи сайтларга киришини тақиқлаши қонун доирасида амалга оширилиши лозим. Чунки интернетдаги жангари ўйинлар бола руҳиятида, албатта, салбий из қолдириши бугун ҳеч кимга сир эмас.

Бугун интернет ўзига хос виртуал дунёга айланиб улгурган. Ёшларни реал ҳаётга қайтариб, мактаб давриданок компьютердан самарали фойдаланиш кўникмаси сингдириб борилса, кўзлаган мақсадимизга, албатта, етамиз.

Зарнигор СУЮНОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

ЙЎҚОТИЛГАН ИШОНЧ

Бекатда автобус кутиб турардим, бир йигит келиб, телефонимни сўради:

— Кечирасиз, телефонингизни бериб тура олмайсизми? Ўртоғим билан учрашмоқчи эдим. Бу ерга биринчи келишим, адашиб қолдим. Илтимос, қаердалигимни айтиб, қайтариб берарман.

Хушмуомалалик билан сўрагани учун ҳеч иккилан-

Mulohaza

масдан телефонимни узатдим. “Раҳмат” дея телефонни кўлига олди ва четга ўтиб гаплаша бошлади. Шу вақт автобус келмаяптимики, деб йўлга қарадим. Чалганимдан фойдаланган нотаниш йигит жуфтакни ростлаб қолди. Мен эса нима қилишимни билмай, “Ушланглар!” дея бақирганимча, унинг орқасидан юрдим. Кўп қаватли уйлар орасига кириб ғойиб бўлгач, мен уни тополмай қолдим. Кимдан ёрдам сўрашни, қаерга боришни билмасдим. Одамлар эса ўзлари билан ўзлари овора эди.

Бу каби ҳолатга дуч келган ҳар қандай инсонда ўзгаларга бўлган ишонч туйғусининг йўқолиши табиий. “Оғзи куйган қатикни ҳам пуфлаб ичади”, деб бежиз айтишмаган-ку, ахир! Бу кўнгилсиз воқеадан кейин

анча вақт ўтиб, телефон «доғи»ни унутга бошлаган эдим ҳамки, дугонам билан кўчада кетаётганимда, яна бир йигит телефон сўраб қолди. Ҳаммаси худди аввалгидек бўлишидан кўрқиб, “Телефонимиз йўқ” деб жавоб бердик. У эса гапимизга ишонқирамай, “Бериб туринглар, жуда зарур эди, пулини тўлайман”, деди. Биз йигитни ўз муаммолари билан ёлғиз қолдирганча, индамасдан ўтиб кетдик.

Ҳа, бир марта алданган одам кейинги сафар эҳтиёткор бўлади. Балки бу йигитнинг нияти аввалгисиникига ўхшамас, ростдан ҳам унга телефон жуда керакдир. Аммо бир марта алданганимдан кейин унинг гапи форибгарликдан бошқа нарса эмасдек туюлди менга.

Ишонchnи суистеъмом қилиш ишонchsизликка олиб келади. Ишонchsизлик гумонни вужудга келтиради. Оқибатда турли салбий ҳаёлларга бериласан. Ишончимизнинг поймол бўлишига кичик бир ноҳуя ҳаракат сабаб бўлиши мумкин. Зеро, ишончнинг қайтарилмас қадри бор.

Назокат ИБРОХИМОВА,
талаба

ЎЗИГА-ЎЗИ ГАПИРИШ КАСАЛЛИКМИ?

Кўшнимизнинг жажжи қизалоғи бор, тахминан 4–5 ёшда. Уни ҳар кўрганимда гоҳ болалар майдончасида ўйнаётган, гоҳида ҳалинчак учаётган бўлади. Бироқ кўпинча атрофидагилар билан иши йўқ, ўз-ўзига нималарнидир берилиб гапираётган, туншунтираётган бўлади. Сўхбати “қизиб” кетганидан ёнидан ўтиб кетаётганимни сезмайди. Кўриб қолса, албатта, жилмайибгина салом беради.

Сиз ҳам ўзига-ўзи гапираётган болаларни кўп учратгандирсиз. Бола-ку, деб буни оддий ҳолдек қабул қиламиз. Аслида-чи? Унинг сабаби нима? Балки ўз-ўзига гапириш касаллик аломатидир. Агар шундай бўлса, у қандай келиб чиқади ва даволанади? Бу ҳолатни Юнусобод тумани 54-оилавий поликлиника психоневрологги Муҳайё Муродова қуйидагича изоҳлади:

— Ўз-ўзига гапириш хавотирланиш зарур бўлмаган вақтинчалик ҳолат ҳам, касаллик ҳам бўлиши мумкин. Баъзан бола инфекция касалликлар билан туғилганда, ота-онадан наслий ўтиш оқибатида, руҳий жароҳат ва стресслардан сўнг унда ўз-ўзига гапириш ҳолати кузатилади. Шунингдек, оилавий муҳит носоғлом бўлиб, болага етарлича эътибор, меҳр кўрсатилмаганда ҳам бундай ҳолатлар юзга келиши эҳтимоли бор. Тасаввур қилиб кўринг. Бола улғаймоқда демак унинг онги, дунёқараши ҳам кенгаймоқда. У онгида пайдо бўлаётган сон-саноксиз, мантиқли ва мантиқсиз ўй-хаёллар, фикрлари билан ўртоқлашгиси, кимгадир айтгиси келади. Бироқ оила аъзолари, катталарнинг вақти зиқлиги, баъзан эътиборсизлиги сабаб рад этилгач, бола ўз-ўзига гапиришни бошлайди.

Бола боғчага бориб, тенгдошлари, жамоа орасига киргач, бу ҳолат ўз-ўзидан

йўқолиши мумкин. Оила, дўстлари даврасида ўз фикрини билдира олмайдиган, кўпчиликка аралашиб кетиши қийин бўлган болаларда, аксинча, ўз-ўзи билан гаплашиш кучаяди. У жамоадан кўра ёлғизликни хуш кўра бошлайди. Хўш, фарзандида шундай аломатларни сезган ота-она нима қилиши лозим? Сўхбатдошимиз фаолияти давомида бундай мурожаатлар кам учрашини билдирар экан, бунинг сабабини ота-оналарнинг боладаги шу каби ҳолатларни табиий жараён деб қабул қилиши, уларнинг боладаги бу ҳолат руҳий мувозанат бузилганлигидан дарак бераётганини ўйлаб ҳам кўрмасликларидир, дея изоҳлади.


Шифокорнинг фикрига кўра, бундай ҳолатларда дори-дармон билан даволаш эмас, психологга мурожаат қилиш тавсия этилади. Ота-онанинг фарзанди билан кўпроқ мулоқотда бўлиши, сўхбатлашиши, унинг фикрларини тинглаши ва маълум даражада рағбатлантириши, энг муҳими, болада ўзига ишонч ҳиссини уйғотиш яхши самара беради.

Кўчада кетаётиб, баъзида ёнимиздан ўтаётган инсоннинг тўсатдан ўз-ўзига ниманидир гапириб юборгани ё мийиғида кулиб қўйганининг гувоҳи бўламиз. Бу унинг хаёлида кечаётган ўйни беихтиёр ошкора баён этишидир. Мутахассисларнинг таъкидлашича, болалардан фарқли равишда ёши катталар орасида ўзига гапириш мунтазам давом этса, бу турли руҳий хасталиклар натижаси бўлар экан.

Бола — бутунлай бошқа олам. У доим эътиборталаб. Айниқса, дунёни ўзича англаётган даврида у қизиқишларига жавоб бера оладиган сўхбатдош қидиради.

Хулоса қилмоқ мумкинки, боланинг ўзига-ўзи гапириши ва кейинчалик бу унинг табиий ҳаракатларига, ҳатто, касалликка айланиб қолмаслиги сизу бизнинг вақтида эътибор қарата олишимизга боғлиқ.

Шоҳсанам НИЁЗОВА,
ЎзДЖТУ талабаси



«Ma'rifat»
Mahorat
Maktabi

Siz nima deysiz?

нинг не фойдаси бор? Сув зиллол бўлса, унга кўза олтинданми ёки сополданми, бунинг фарқи йўқ. Ахир, эшакка атлас тўқим қўйилгани билан барибир эшаклигича қолаверади-ку!

Шундай деб дарвеш чиқиб кетибди. Унинг гапларидан ҳайрон бўлиб қолган қози ва мулозимлари дарвешнинг ортидан чиқишибди. Лекин уни топа олишмабди. Одамлардан унинг кимлигини сўрашса, улар “Бундай доно сўзларни фақат Саъдий Шерозий айтиши мумкин”, дейишибди.

КИЙИМГА ҚАРАБ МУОМАЛАМИ?

Voqea

— Вой, бу қанақаси?! Харидор бўлгандан кейин нархини сўрайди-да! Олмаслигини қаердан биласан, нима, пешонасига ёзилганми? Онанг тенгги аёлга бақаришга уялмайсанми?!

— Мен сизга гапирмаяман. Келинг, нима олмоқчи эдингиз? — сўради сотувчи мулойимлик билан.

— Ҳамма молинг қанча туради? Барини сотиб оламан! Уларнинг тортишуви бироз давом этгач, ҳамма ўз иши билан овора бўлиб кетди.

Ҳа, бозорда бундай ҳолатларга, афсуски, гоҳо-гоҳо гувоҳ бўлиб турамыз. Баъзида кўз юмиб кетамиз, баъзида

аралашгимиз келади. Бир нарасага тушуна олмайман: нега сотувчи икки аёлга икки хил муомалада бўлди? Биринчиси одми кийинган, содда аёл бўлгани учун унга шундай кўпол гапирдимми? Нима, ҳамма гап кийим, юриш-туриш, ташқи кўринишдами? Саъдий Шерозий шундай ҳикоя қилади: “Бир дарвеш эски кийимда қозининг айвонига кирибди ва

шаҳар казо-казоларининг ёнига бориб ўтирибди. Шунда қозининг хизматкори ўрнингни билиб ўтир, деб дарвешни ҳайдабди. Дарвеш бориб пойгакка ўтирибди ва сўхбатни эшитибди. Сўхбат қизиқ, баҳсга айланибди, ҳамма ўз фикрини маъқуллар эмиш. Шу пайт баҳсга дарвеш аралашиб, улар еча олмаган муаммони ҳал қилиб берибди. Бундан лол бўлиб қолган қози унга ўз салласини тақдим қилибди. Дарвеш эса саллани рад этиб, шундай дебди:


Ҳаёт бир текис эмас. Инсон умри давомида турли ҳолатлар, вазиятларга дуч келиши мумкин. Баъзида менсимаган одаминг кейинчалик сен учун энг керакли инсонга айланиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Чунки, эртага нима бўлишини ҳеч ким билмайди. Шундай экан, нега бир-биримизни арзимаган гаплар билан ранжитамиз? “Одам кўрки — унинг муомаласи ва одобиди” дейишади. Дарҳақиқат, инсоннинг тарбияси, ақли, ширинсўзлиги ва оққўнғиллиги унга либосдан-да кўпроқ зеб бериши шубҳасиз.

Соҳиба МАМАДИЁРОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Хар куни сайёрамиз юзасига улкан қувват манбаи ҳисобланган Қуёш нурлари таралади. Геолог олимларнинг сўзларига қараганда, Қуёш Ер юзаси ва атмосферани иситибгина қолмайди. Самовий жисм энергияси туфайли табиатда шамоллар эсиши, сувнинг айланиши рўй беради, денгиз ва океанлар қизийди, фауна ҳамда флора дунёсида кўпайиш кузатилади. Шу билан бирга, айнан Қуёш нурлари туфайли сайёрамизда минерал моддалар фойдали қазилмаларга айланади.

ТАБИЙИЙ РЕСУРС ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Кўп йиллар давомида кишилар табиий ресурслардан фойдаланишда тежамкорлик ҳақида ўйлаб кўрмади, гўё Курраи заминнинг захиралари туганмасдек. Лекин технологиялар қанчалик жадаллик билан ривожланган бўлса, табиий ресурслар ҳам шу қадар тез емирилиб бораётгани аён бўлди. Шундан сўнг қайта тикланадиган ресурслар захира-си асосида муқобил турдаги қувват манбаини яратиш фикри ўртага ташланди. Муҳокамаларда Қуёш энергияси асосида яратиладиган қувват манбалари (батареялар) мазкур масалага энг самарали ва мақбул ечимлардан бири бўлиши ҳам илм-фан аҳли томонидан эътироф этилди.



Қуёш батареяси Prius автомашинаси тепа қисмида

Мутахассисларнинг айтишича, Қуёш батареялари деб юритилаётган ўзига хос ускуналар электр энергияси манбаларидан бири бўлиб, улар самовий жисмдан таралаётган иссиқликни электр токига айлантириб бериш вазифасини бажаради. Бу турдаги батареялар Қуёш энергиясидан иссиқлик ёки қувват сифатида самарали фойдаланиш имконини берадиган технологиялар ҳисобланади. Уларнинг иш тайм-ли «самовий ёриткич»дан таралаётган иссиқликни ўзгармас токка айлантиришга асосланади. Аҳамиятлиси, мазкур турдаги энергия тўғрисида ишлатилиши, кейинчалик фойдаланиш учун махсус аккумуляторларга йиғилиши ёки 220 ватт кучланишга эга ўзгарувчан токка айлантирилиши ҳам мумкин. Батареяда бир нечта фото-электр ўзгартиригичлар ёки бошқача айтганда, ярим ўтказгичлар бирлашган ҳолда Қуёш энергиясини тўғридан-тўғри ўзгармас токка айлантириб беради. Шу сабаб улар фото-электр ўзгартиригич ёки ФЭУ деб ҳам аталади.

ФОЙДАЛАНИШ МУДДАТИ — 25 ЙИЛДАН Ортиқ



Қуёш батареяси уй томида

Манбалар(nitolsolar.com) электрон саҳифасида келтирилишича, иссиқлик сақловчи материални қиздириб берадиган Қуёш коллекторларидан фарқли равишда бу турдаги батареялар бевосита электр

токини ишлаб чиқаради. Турли йирик ҳажмдаги қурилмалар(буғ, термозлектр, газ турбинаси машиналари ва ҳ.к.)ларни ишга туширишда қуёш нурларининг юқори концентрацияли иссиқлигидан фойдаланиладиган улкан механизмлар гелиоэлектр станциялар (ГЕЭС) деб юритилади. Қуёш батареялари эса гелиоэнергетика номини олган соҳанинг тадқиқот объекти ҳисобланади.

Массачусетс технологик университетининг илмий ходими Энвин Браун сўнгги йилларда бундай батареяларни ишлаб чиқариш турли йўналишларда жадаллик билан



Қуёш батареялари панеллари

дан ишлаб чиқилган биринчи қуёш батареясини яратишнинг уддасидан чиққан. Шундан сўнг бу борадаги тадқиқотлар жадаллик билан амалга оширила бошланди, натижада 1958 йилдаёқ Қуёш батареяси космик аппаратларда электр энергиясини ишлаб чиқарувчи асосий манбага айланди. Шунга қарамай, ускуналарни такомиллаштириш давом этиб борди.

«Вайред» манбасида келтирилишича, ўтган асрнинг 70-йилларида бу каби ускуналарнинг фойдали иш коэффициентини 10 фоиз бўлган. Мазкур кўрсаткич самовий аппарат-

минлашда ҳам бу турдаги қувват манбалари айни муддао ҳисобланади.

— Иншоотларга ўрнатиладиган қуёш батареялари одатда жуда катта ҳажмда бўлади, улардан кенг фойдаланиш асосан қуёшли кунлар кўп кузатиладиган тропик ҳамда субтропик ҳудудларда оммалашган, — дейди Европа тадқиқотчилик кенгаши вакили Тимоти Бёрнс. — Ускуналар, айниқса, Ўрта денгиз ҳавзаси мамлакатларида кўплаб уйлар томига ўрнатилди. Мисол учун, Испанияда ҳозирга келиб, уларни турар жой томига ўрнатиш мажбурий равишда амалга оширилмоқда. Голландияда эса яқинда фотозлемент вазифасини бажарувчи дераза ойнасини ишлаб чиқаришга қаратилган «Smart Energy Glass» лойиҳаси ишга туширилди.

Қуёш батареялари қўлланиладиган яна бир йўналиш бу самовий тадқиқотлардир. Жумладан, Халқаро космик стан-

ГЕЛИОЭНЕРГЕТИКА:

тадқиқотлар, натижалар ва истиқбол

ривожланаётганини «Хай Текноложие» («High Technologies») журналидаги мақолада алоҳида эътироф этади. Яқин-яқингача ФЭУдан фақат Қуёш нурлари яхши тарқаладиган ёки мавжуд электр станцияларидан маълум масофаларга тармоқ ўтказиш мумкин бўлган ҳудудларда кенг фойдаланилар эди. Лекин бугунга келиб, улардан фойдаланиш кўлами анча кенгаймоқда. Батареялар ҳар хил ҳажмда бўлиши мумкин экан.

— Очиқ об-ҳаво шароитида 1 квадрат метрга тенг ер юзасига ўртача 1000 ватт Қуёш энергияси тушади, — деди мутахассис. — Бу турдаги қувват ҳудуднинг географик жойлашуви ва ўзига хос табиий шароитдан келиб чиққан ҳолда тарқалади. Масалан, бир йилда 320-350 кун ёки йилнинг фақат маълум мавсуми даврида Қуёш чиқадиган жойлар бор. Шундан келиб чиққан ҳолда электр токини ишлаб чиқариш мақсадида Қуёш батареяларини ўрнатишдан аввал мазкур усулни қўллаш самарадорлигини ҳисоблаб чиқиш зарур.

Кремний моддаси асосида ишлаб чиқариладиган қуёш батареяларининг бир нечта тури бор. Энг самаралиси монокристал кремний асосида ишлаб чиқилади. Бундай қувват манбаларининг фойдали иш коэффициенти (ФИК) 24 фоизгача бўлиши мумкин экан. Эътиборлиси, улардан фойдаланиш муддати деярли чекланмаган. Фақат вақт ўтиши билан уларни зич ёпиш мақсадида ишлатиладиган технологик полимер моддаси қорайиб кетиши эътиборга олинди, ускунадан фойдаланиш шартли равишда 25 йилдан ортиқ муддат, дея белгиланади.

ДАСТЛАБКИ САЪ-ХАРАКАТЛАР

Гелиоэнергетика мутахассислари томонидан Қуёш батареяларини яратишга уриниш ўтган асрнинг дастлабки йилларидаёқ бошлаб юборилган. 1954 йилга келиб, бир гуруҳ америкалик олимлар кремний-

ларда энергияни ҳосил қилувчи муқобил қурилмаларни ишлатиш учун мақбул бўлса-да, уларни ер юзасига ўрнатиш кутилган самарани бермас эди. Бунинг устига, ушбу қурилмани яратишда қимматбаҳо материаллардан фойдаланилган. Фақатгина 90-йилларга келиб, изланишларда кутилган ижобий натижаларга эришилди. Бунда эса, хусусан, океанортилик тадқиқотчилар муваффақияти чин маънода оламшумул бўлди. Аниқроғи, улар нурга ўта таъсирчан қуёш батареясини яратиш, унинг самарадорлигини оширишга эришди. Янгича батареяларни яратишда сезувчан оксид ўтказгичларидан фойдаланилган. Бу такомиллаштирилган батареялар олдингиларидан батамом фарқланарди. Негаки, улар анча тежамкор, ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан камхарж ва соддароқ бўлган. Лекин қатор устунликларга қарамай, уларни кенг ишлаб чиқаришга бир жиҳат тўсқинлик қилди: энергияни электр қувватига айлантириш самараси анча паст эди. 1989 йили лаборатория шароитида фойдали иш коэффициенти 30 фоиздан ортиқ бўлган батареялар яратилгандан сўнггина 20 фоизли ФИКга эга бундай ускуналар кенг ишлаб чиқарила бошланди.

Қўлланилиш СОҲАЛАРИ

Шу тариқа, атиги бир неча ўн йил аввал ҳаёлий гоё деб ҳисобланган қуёш батареялари бугунги кунда кўплаб соҳаларда кенг қўлланилмоқда. Хусусан, микроэлектроникада кичик ҳажмдаги қурилмалар — микрокалькулятор, музикалий плеер, чирок, майда маиший хизмат жиҳозларига электр қуввати узатишда улардан фойдаланилади. «Келажак автомобиллари» номини олган электромобиль ҳам сўнгги пайтларда қуёш батареялари орқали узоқ масофаларга ҳаракат қилиши режалаштирилмоқда. Шунингдек, олимларнинг таъкидлашича, турар жой ва турли биноларни электр энергияси билан таъ-

ция ва кенг самода улар электр энергиясини ишлаб чиқарувчи асосий ускуналардан бири ҳисобланади. Негаки, батареялар ортиқча хомашёлар сарф этилишини талаб этмаган ҳолда узоқ вақт ишлаши мумкин. Бунинг устига улар радиоизотоп қувват манбаларига нисбатан экологик жиҳатдан хавфсиздир.



Самода Қуёш шамол электр қурилмаси

ТАДҚИКОТЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА


Ўтган йили америкалик тадқиқотчилар қуёш энергиясидан фойдаланишда шу пайтгача кузатилган камчиликлардан холи ускуна яратиш арасида турганини маълум қилди. Олимлар гуруҳи раҳбари Стивен Новак тез фурсатда икки томонлама эгилувчан қуёш панеллари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилиши ҳақида «Физорг» манбаси орқали эълон қилган. Унинг таъкидлашича, мазкур ускуналарнинг ФИК салкам 80 фоизга тенг бўлиб, бу унинг ҳозир кенг фойдаланишда бўлган батареяларга нисбатан 3-4 баробар катта қувватга эга, дегандир. Эътиборлиси, панелларнинг бир тарафи ҳаттоки тунда ҳам кундузи тўпланган энергия ҳисобига фаолият юритиши мумкин экан.

Шунингдек, жорий йилда Сан-Хосе шаҳрида ўтказилган «Solar Power» технологик конференциясида қуёш батареясининг нисбатан юқори самарадорлик ва қувватга эга янги модели тақдим этилди. «Sharp» компаниясининг маълумотига кўра, ускунанинг фойдали иш коэффициенти 40 фоизга тенг бўлиб, улар ҳозирда фойдаланилаётган батареялардан

кўп жиҳатдан самарали экан. Қиёслаш учун маълумот: айни кунда ишлатилаётган бундай ускуналарнинг аксарият қисми 20 фоиз ФИКга эга.

Янгича Қуёш батареяси эса бир-бири билан ўзаро боғланган бир нечта линзалар мажмуи бўлиб, уларнинг марказига ўта кичик (тахминан 7x7 миллиметр) ҳажмдаги қувват манбаи ўрнатилган. Ускуна бошқаларига нисбатан самарали бўлиш билан бирга нархи ҳам баланд эмаслиги кўпчиликда қизиқиш уйғотган.

Энг сўнгги тадқиқотларда эса қуёш батареялари ва улар асосида яратилган панеллардан фойдаланиш пайтида юзага келаётган ноқулайликларни бартараф этишга эътибор қаратилляпти. Масалан, яқин кунларда қуёш батареялари панеллари чанглардан осонликча халос бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги хабар тарқатилди. Сабаби, одатда иқлими саҳро каби иссиқ, қуруқ ва табиийки, тўзон кўп кузатила-



Халқаро космик станцияда ҳам Қуёш батареясидан фойдаланилади

диган ҳудудларга ўрнатиладиган панелларни тез фурсатда чанг қоплайди ҳамда носозликлар пайдо бўлади. Шунинг эътиборга олган ҳолда, НАСА космик агентлиги илмий ходими Мэлай Мазумдер раҳбарлигидаги америкалик олимлар махсус технологиялар ёрдамида Қуёш батареялари панелларини муқтадил равишда тозаланишга мослаштириш таклифини ўртага ташлади.

Мутахассиснинг сўзларига кўра, шу тариқа Қуёш электр станциялари фаолияти самарасини ошириш йўлида олдинга қадам ташланади. Бунда панелга рангсиз пластик ёки шиша қопламаси, сўнг яна битта электр токини ўтказувчи материал қопламаси ўрнатилди. Йиғилаётган чанг махсус сезувчан ускуналар ёрдамида назорат қилиб борилади. Белгиланган кўрсаткичга етгач, устки қатламга электр токи узатилади. Натижада, чанг-ғуборлар тўлқинсимон ҳаракат билан юза қисмидан чиқариб ташланади. Мэлай Мазумдер шу йўл билан 2 дақиқада чангнинг 90 фоизидан халос бўлиш мумкинлиги, асосийси, бунинг учун жуда кам микдорда электр токи сарфланишини таъкидлади. Ушбу технологиялар яқин йилларда синовдан ўтгандан сўнг фойдаланишга жорий этилиши кутилмоқда.

Бугунги кунда гелиоэнергетика соҳаси мислсиз тезлик билан олдинга илдамлаб бораётгани дунё мутахассислари амалга ошираётган тадқиқотлардан аён. «Сайнс» нашрида эътироф этилишича, 2003—2008 йиллар оралиғида бу турдаги қувват манбаларидан фойдаланиш 50 фоизга ошган. Футурологик изланишлар бу кўрсаткич келгусида ҳар йили 25 фоизга ошиб боришини далилламоқда. Улкан қуёш станциялари айни пайтда Германия, Испания, АҚШ, Австралия, Ҳиндистон ҳамда Яқин Шарқ мамлакатларида фаолият юритяпти. Бу эса мазкур технологияларнинг истиқболи юқори эканининг яққол намойиши эмасми?

— Наргиза ИБРОҲИМОВА тайёрлади.

ШИШАНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ҚАДИМДАН МЕРОС

Қадимги Рим давлатида ишланган шиша идишларнинг тузилишини батафсил ўрганиш мазкур материалга қайта ишлов бериш янги давр кашфиёти эмаслигини кўрсатди. Тадқиқот Буюк Британиядаги Шеффилд университети олимлари томонидан ўтказилди, деб ёзди «Journal of Archaeological Science».

Изланиш туманли Альбион ҳудудида фойдаланилган шиша идишларнинг катта қисми III–IV асрларда қайта ишлов берилган хомашёдан тайёрланганини кўрсатди. Эътиборлиси, агар ҳозирда материални қайта ишлаш ҳаракати замирида экологияни муҳофаза қилиш мақсади мужассам бўлса, ўтмишда бу ишлар ҳудудда хомашё кўп бўлмагани боис амалга оширилган.

— Тарихий манбаларда, шиша ишлаб чиқариш Месопотамияда милoddан аввалги III аср ўрталарида вужудга келгани кўрсатилган, — деди тадқиқотчи Бернард Милн. — Римликлар эса мазкур технологияни жуда қисқа фурсат ичида ўзлаштирган, натижада шиша уй жиҳозларини ишлаб чиқишдаги энг кенг тарқалган материалга айланган.

Мутахассисларнинг айтишича, шиша ранги у ишлаб чиқарилган тупроқдаги кимёвий элементларга қараб фарқланади. Масалан, темир моддаси бор тупроқдан кўкитир яшил, олтингургут бор лойдан эса жигарранг шиша тайёрланади. Римликлар эса турли рангдаги шишаларни ишлаб чиқишни чинакам санъат даражасига кўтаришга эришгани тарихий манбалардан аён. Шу билан бирга, айнан ушбу мамлакатда шишани рангсизлантирувчи моддалар (сурма, марганец) кашф этилган. Қадимги Рим тарихчиси Плиний асарларида шишани рангсиз қилиш учун тупроқ Италиядан олиб келинганини ёзган бўлса, бугунги кун олимлари кўпроқ Рейн ҳудудига ишора қилади. Лекин ҳалигача Қадимги Римда юқори даражада ривожланган шиша саноати кўплаб жумбоқларга сабаб бўлиб келмоқда. Боиси, ҳамон шаффоф шиша қачон ихтиро қилингани ва ушбу саноат умуман қай тарзда йўлга қўйилганига асосли жавоб топилмаган.

Британиялик тадқиқотчилар эса мазкур масалага ойдинлик киритиш мақсадида 128та қадимги шиша намуналарини текширишган. Яқунда буюмларнинг 46таси сурма, 13таси — марганец билан рангсизлантирилгани аниқланди.

Қолган 69таси таркибида эса ҳар иккала модда ҳам топилган. Олимларнинг таъкидлашича, бу шиша буюмлари қайта ишланган хомашёдан яратилган экан.



КУТИЛМАГАН ЯНГИЛИК

Мэриленд штати университети Тиббиёт маркази илмий ходимлари инсон танаси тузилиши борасидаги кутилмаган маълумотга эга бўлди. Яъни, аччиқ таъми сезувчи тола (рецептор)лар фақат инсон оғзида эмас, балки ўпкаларида ҳам бўлиши аниқланди. Мазкур ҳолат келгусида нафас сиқиши касаллигига қарши янада самарали усуллар ишлаб чиқишига имкон яратади. Мавзуга оид мақола «Nature Medicine» журналида нашр этилди.

Тадқиқот раҳбари Стивен Лиггеттнинг сўзларига кўра, улар нафас олиш йўллари кенгайиши ва қисқаришини тартибга солувчи ўпкадаги мускул рецепторларини ўрганиш пайтида мазкур илмий янгиликка дуч келган. Изланиш доирасида эса астма, яъни нафас қисилиши хасталиги борасида кенгроқ маълумотга эга бўлиш мақсад қилинган. Олимлар астма аниқланган пайтда нафас олиш йўлларидаги силлиқ мушаклари қисқариб, ҳаво оқими тўсилиши оқибатида хириллаш ва нафас қисилиши кузатилишини таъкидлашди.

— Ўпкадаги таъм рецептори оғиз бўшлиғидаги аъзога монанд экани маълум бўлди, — деди профессор Стивен Лиггетт. — Фақат оғиз рецепторларидан фарқли равишда ўпкадаги аъзо тутам-тутам кўринишга эга эмас ва миёга сигнал жўнатмайди, балки уларда аччиқ таъмга эга моддаларга нисбатан таъсир кузатилади.


Айни пайтда ўпкадаги мазкур рецепторлар қандай вазифа бажариши аниқ эмас. Аввалига ушбу аъзо ўпкага ҳаводан тушадиган зарарли моддаларга қарши курашишда ишга тушади, деган фикр илгари сурилган. Бунда нафас олиш органларида қисилиш ва йўтал кузатилиб, захарли моддалар шу тариқа чиқариб ташланади, дейилган. Аммо бу фарз исботини топмади. Негаки, аччиқ таъм рецепторларини ишга туширадиган минглаб бирикмалар бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳам захарли ҳисобланмайди. Айни пайтда бу моддалар маълум меъёрда бўлсагина организмга зарар етмайди.

Аксинча, янада чуқурроқ изланишлар аччиқ таъмга эга моддалар нафас олиш йўллари очишини кўрсатди. Улар ҳаттоки шу кунгача астмани даволашда қўлланиладиган дори воситаларидан ҳам самаралироқ экан. Шу пайтгача эса хинин, хлорохин каби аччиқ моддалар мутлақо бошқа турдаги касалликлар учун қўллаб келинганди.



НООДАТИЙ ТЕЛЕФОН

«Самсунг» компанияси томонидан океанорти мамлакатлари аҳолиси учун қайта ишланган мобил телефони яратилиши «Мигньос» манбасида маълум қилинди. «Evergreen» номи берилган мазкур телефоннинг ташқи қопламаси 70 фоизга қайта ишланган пластик материалдан бўлади.



Ишлаб чиқарувчилар бу слайдер телефон 2,4 дюймли экран ва 2 мегапикселли камерага эгаллигини маълум қилишди. Эътироф этилишича, ускуна телефон орқали хат ва электрон почтадан кўп фойдаланадиганлар учун махсус ишлаб чиқарилмоқда.

Янгича телефоннинг ҳатто кутиси ҳам қайта ишланган қоғоздан тайёрланган. Алоқа воситаси яқин кунлардан бошлаб 30 долларга сотила бошлаши маълум қилинди. Агарда у фойдаланувчилар томонидан яхши кутиб олинса, у ҳолда бошқа ҳудудларга ҳам маҳсулот импорт қилиниши эҳтимолдан холи эмас.




КАРТОШКАНИНГ АЖОЙИБ ХУСУСИЯТИ

Инсониятнинг табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга интилиши озиқ-овқат ва кимё саноати мутахассисларини яратувчанликка ундамоқда. Бунга мисол қилиб, аввалига қайта ишлов берилган картошкadan ичимлик сувини олиш борасида ўтказилган тадқиқотни келтириш мумкин. Бу ҳақида «Дейли Мэйл» эълон қилди.

Тажриба йирик озиқ-овқат компанияси — «Пепсико» томонидан ташкил этилди. Бунда картошкadan кейинчалик турли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида сабзавот қиздирилганда ҳосил бўладиган сув кўзда тутилган.

Мутахассислар келгусида йирик ишлаб чиқариш корхона ва компанияларининг «картошка суви»дан фойдаланишга ўтиши имконини берадиган тизимни яратишни режалаштирган. Бунда картошка тугунақларига қайта ишлов берилди ва йирик ишлаб чиқариш объектлари эҳтиёжини қоплайдиган миқдорда сув ҳосил қилинади.



Аввалига шу йўл билан олинган сув фақат сабзавотларни тозалашда ишлатилар экан. Лекин муҳандислар аста-секинлик билан корхоналарда ундан ичимлик суви сифатида ҳам фойдаланишни йўлга қўйишмоқчи.

Ҳисоб-китобларга кўра, картошканин 75 фоиз таркиби сувдан иборат. Ҳозирги вақтда «Пепсико» компаниясига қарашли ишлаб чиқариш корхоналарида сабзавотдан имкон қадар кўпроқ миқдорда сув олиш тажрибалари ўтказилляпти.

СУВ АЙЛАНИШИ ТЕЗЛАШМОҚДА

Тадқиқотчиларнинг аниқлашича, иқлим исиши сайёраимиздаги глобал сувларнинг айланиш тизими ҳаракати тезлашишига туртки бўляпти. Оқибатда ҳудудларда янада қурғоқчилик ҳажми кенгайиб, намгарчилик кўп бўлган жойларда эса сув тошқинлари кузатиламоқда. Эътиборлиси, агар чоралар кўрилмаса, табиатдаги мазкур тенденция кучайиб бориши эҳтимолдан холи эмас экан. Бу ҳақида sciencedaily.com электрон саҳифаси АҚШ Фанлар академияси манбаларига таянган ҳолда маълум қилди.

Иқлимшунос олимларнинг 13 йиллик кузатувларидан Ер иқлими исиши туфайли океанлар юзасидан катта миқдорда сув буғланаётгани аниқланди. Бу ўз навбатида, аввалгига нисбатан ёғингарчилик даражасини ошириб, табиатда айланаётган сувлар дарё ўзанлари бўйлаб яна океанга қайтишига олиб келяпти. Мазкур айланма тизимда ҳаракатланаётган сув миқдори ҳар йили 1,5 фоизга ошаётган экан.

— Мазкур кўрсаткич бир қарашда у даражада катта кўринмаса-да, ўн йилликлар ҳисобида олинганда хавотир ўринли экани маълум бўлади, — деди Калифорния университети профессори Жей Фамиглетти.

Тадқиқотчи 1994—2006 йиллар оралигида ҳар йили океанга тушадиган ичимлик суви ҳажми 18 фоизга ошганини ҳам айтди.

— Умуман олганда, чучук сув захираси қанча бойиса, инсоният учун шунча яхши ҳисобланади. Лекин муаммо шундаки, ҳамма ҳудудга ҳам ёғингарчилик тенг маромда тақсимланмайди, — дея изоҳ беради олим. — Масалан, чучук сувга эҳтиёж катта ҳудудларда ёғингарчилик бўлмайди, бошқалар эса керагидан ортиқча захирага эга бўлади. Аслида бу ҳолат бундан аввал ўтказилган иқлим ўзгаришлари бўйича ҳулосаларни тасдиқлайди. Уларда, хусусан, тропик ҳудудларда ёғингарчиликнинг ортиши, Арктика ҳудудида пўртаналарнинг кўп кузатилиши айни пайтда чўл ва дашт ҳудудларида бундан-да кўп қурғоқчилик бўлишига сабаб бўлади.


Профессор Жей Фамиглетти раҳбарлигида амалга оширилган изланиш шу пайтга қадар қўлланилмаган усуллар орқали амалга оширилгани билан аҳамиятли. Унга эса олимларнинг бу каби аксарият ишлари моделлаш ва ҳисоб-китобларга таянарди. Бу гал тадқиқот узоқ муддат давомида сунъий йўлдошлар ёрдамида олинган дарёлардаги сув миқдори, ёғингарчилик ва буғланиш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар асосида амалга оширилган.

Айни пайтда олимлар янада аниқроқ маълумотлар ва ўзгаришларни бундан-да чуқурроқ баҳолаш мақсадида изланишни давом эттираётганини ҳам таъкидлашди.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

<p>Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази раҳбарияти Қашқадарё вилоятида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида кўп йил фаолият юритган фан-педагог, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими</p> <p>Муҳаммад-Юсуф АБДУРАҲМОНОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.</p>
<p>Низомий номидаги ТДПУ ректорати, Ўзбек тили ва адабиёти факультети жамоаси «Ўзбек адабиёти тарихи» кафедраси профессори Х.Ҳомидовга қизи</p> <p>МУЯССАРнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.</p>
<p>Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика Ташхис маркази жамоаси Наманган вилояти ташхис маркази раҳбари Муроджон Акбаровга падари бузруквори</p> <p>ҚАМБАР отанин вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.</p>
<p>Учтепа тумани халқ таълими бўлими ва бирлашган касаба уюшма кўмитаси жамоаси 193-мактабнинг илмий бўлим мудири Машкура Ғуломовга ўғли</p> <p>Улугбек САЛИМАТОВнинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.</p>

МЕЪЁРИЙ ХУЖЖАТЛАР ИШИНГИЗНИ ТАРТИБЛАЙДИ



«Таълим тараққиёти» ахборотномасининг 2010 йилдаги 5-сон чоп этилди.

Ахборотноманинг илк саҳифаларидан умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг иш ҳақларини ҳисоблаш методикасини такомиллаштириш мақсадида Халқ таълими ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларининг «Умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг иш ҳақларини ҳисоблаш методикасини такомиллаштириш тўғрисида»ги қўшма буйруқлари ҳамда иловалари ўрин олган.

Бундан ташқари, ахборотноманинг кейинги саҳифаларида куйидаги меъёрий ҳужжатлар билан танишишингиз мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълими ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликларининг 2010 йил 13 июлдаги «Таълим объектлари, жиҳозлар ва инвентарларнинг сақланиши ҳамда улардан самарали фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»ги 175/278/10-ҚҚ-сонли қўшма буйруқлари ва иловалари;

Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил 20 июлдаги «Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари билимларини назорат қилишнинг такомиллаштирилган рейтинг тизимини жорий этиш тўғрисида»ги 178-сонли буйруғи ва иловалари;


Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Худудий таълим бошқару-

ви органлари, барча турдаги таълим муассасалари ҳамда мактаб ўқитувчиларининг фаолиятини баҳолаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 200-сонли буйруғи ва иловалари;

Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил 4 сентябрдаги «Таълим муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этиш тўғрисида»ги 214-сонли буйруғи ва иловаси чоп этилди.

Барча халқ таълими бошқарув органлари ходимлари, умумий ўрта ва мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари, услубчилар, ўқитувчилар ва тарбиячилар юқорида кайд этилган меъёрий ҳужжатлар билан иш жараёнларида фойдаланишлари шубҳасиз.

Т.САЛИМОВ



«Олтин тарвуз» кўргазмалари курали барча дарсларда ва унинг ҳамма босқичларида қўллаш учун дидактик ўйин сифатида яратилган. Тарвузнинг эртақдагидек ажабтовур хислати болаларда катта қизиқиш уйғотади.

Дарҳақиқат, бу услуб ҳеч бир фан ўқитувчисининг эътиборини тортмай қолмайди. Чунки «олтин тарвуз» хосиятидан баҳраманд бўлиш иста-

Мазкур сондан ўрин олган «Она тили таълимига қўйиладиган талаблар» материалларида муаллифлар ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйилган вазифалар, яъни ўзлаштириш зарур бўлган билим, кўникма, малакаларнинг таълим мазмунини белгилловчи кўрсаткичларга уйғунлиги хусусида фикр юритишади. I даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳибаси Гулбахор



«ОЛТИН ТАРВУЗ»НИ ИЗЛАБ

гида бўлган ўқувчи борки, дарс бу усулда ташкил этилса, бутун вужуди билан мавзунинг ичиде «яшайди».

Аслида таълим-тарбия тизимининг самарадорлиги ана шу иштиёқни уйғотишга таянади. «Бошланғич таълим» журналининг 10-сон ҳам бу борада ўқитувчиларга кўмаклашиш мақсадида муштарийлар хузурига ошиқди.

Раҳмонова эса «Таълим бериб тарбиялаймиз» номли мақоласи орқали ўзининг кўп йиллик тажрибалари билан ўртоқлашади.

Маълумки, болага дўстона муносабатдаги мактабнинг мақсади ўқувчиларнинг фақатгина ўз ҳуқуқини амалга ошириш ва сифатли бошланғич таълим олишигагина кўмаклашиб қолмай, боланинг янги асрда юзга келадиган муаммоларни ечиш зарур бўладиган билим ва кўникмаларни эгаллаши, саломатлигини яхшилаш хавфсизлигини таъминлаш каби масалаларда ҳам кўмак беради. «Янги педагогик

технология» рукнида чоп этилган «Дўстона муносабат афзалликлари» материалларида ана шулар хусусида фикр юритилади.

Шунингдек, муаллимлар мазкур сондаги «Қизиқарли геометрия», «Харакатли ўйинлар», «Азиз неъмат», «Бошингда парвона Ватанинг-онанг», «Шогирдларим—шодликларимдир», «Билимдон фарзанд—жамият бойлиги», русийзабон муштарийлар учун «Как Миша открывал свой магазин», «Слава хлебу», материаллари билан танишиб, ўз сабоқларини мазмунан бойитиши мумкин.

О.МУРОДУЛЛАЕВА

Маълумки, тараққиётнинг барча босқичларида оила масаласи алоҳида ўрин эгаллаб келган. Зеро, оиладаги муҳит, анъана, муносиб таълиму тарбия эртанги кунга бўлган ишонч ва умидлар пойдеворидир. Ана шундай серқирра ва мураккаб масаланинг замонавий талқини, олимлар И.Алқаров, Р.Мамат-

махсус таълим вазирлиги томонидан тавсия этилган. Маълумотлар силсиласи хронологик ва мантиқий тузилишга эга бўлиб, унинг биринчи боби «Буюк аждодларимизнинг оила тарбияси ҳақида» деб номланади. Муқаддас китоблар ва аждодларимизнинг оила ҳақида қолдирилган мерослари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлиги қўлланмада ўз аксини топган. Иккинчи «Оилада ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий тарбияни амалга оширишнинг педагогик асослари» боби мамлакатимизда кечаётган ислохотлар

МУНОСИБ ТУҲФА

кулова ва Ҳ.Норқулов томонидан яратилган «Оила тарбияси асослари» ўқув қўлланмасида ўз аксини топган.

Мазкур қўлланма «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи-2010» республика танловидида иккинчи ўринни эгаллади. Ўқув қўлланмада келтирилган маълумот ва хабарлар педагогика дастурининг тарбия бўлимидаги «Талабаларни оилага тайёрлаш» қисмининг мазмунини ёритишга қаратилган ва олий таълим муассасаларининг бакалаврият йўналишлари талабалари учун ўқув қўлланма сифатида Олий ва ўрта

манзарасида тарбияни амалга оширишнинг педагогик сир-асрорларига бағишланган.


Шунингдек, ота-оналарнинг оилада комил инсонни тарбиялашдаги ролини оширишнинг долзарб муаммолари ҳамда тарбияга мутасадди шахсларнинг, ўз навбатида фарзандларнинг эса ота-оналар олдидидаги бурч ва вазифалари китобхонни ҳушёрликка, замон билан ҳамнафас бўлишга чақиради, келтирилган статистик маълумотлар эса ўқувчида ишонч ҳиссини туғдиради.

М.МАВЛОНОВА,

ЎЗМУ фалсафа факультети ўқитувчиси

Кўрган-кечирганим шеър бўлди яна,
Шеърим дарду гамим дер бўлди яна.
Қалбим — ҳар сатримда, бош олиб кетсам,
Деманг ҳеч: Ҳамид хок-ер бўлди яна!

Ушбу сатрларни илк бор ўқиганингизда қандайдир руҳий яқинликни ҳис этасиз. Шу



«Тафаккур» наشريётида босилиб чиққан ушбу тўплам Абдулҳамид Парда ижодининг турфа жиҳатларига бағишланган мақолалардан иборат. Уларда шоирнинг ёзиш услуби, ёндашуви, кузатувчанлиги ва бошқа ижодкорларда кузатилмайдиган хислатлари ҳақида сўз юритилган, шеърлари таҳлил қилинган.

ИБРАТЛИ УМР

Мархум педагог, ажойиб инсон Сулаймон Қосимов ўзининг самарали меҳнати, босиб ўтган ибратли умр йўли билан эл-юрт эътиромини қозонган инсонлардан эди. Яқинда Раъно Қосимова муаллифлигида устознинг ҳаёти ва мураббийлик фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи рисола нашрдан чиқди.

Рисоладан педагогнинг тажрибалари, ўзи ёзган айрим жонли лавҳалар, шогирдлари, ҳамкасблари, дўстлари, фарзандларининг у ҳақидаги илиқ фикр ва ёдномалари ўрин олган.

«Марғилон педагогика билим юртида кўп йиллар жонкуярлик билан меҳнат қилган Сулаймон Қосимов менинг устозим эди, — деб ёзади шогирдларидан бири Т.Жабборова. — У киши барча ёш кадрларга отадек меҳрибон эди. Менинг мазкур илм масканига меҳр-муҳаббат қўйишимда домланинг хизматлари бениҳоя».

Китобдаги дил сўзлари, хотиралар инсон меҳнатининг, фидойилигининг қалбларда ўчмас из қолдиришидан далолат беради.

МУХБИРИМИЗ

«ҚАЛБИМ — ҲАР САТРИМДА»

мисралар худди сизнинг қалбингиздан тўкилгандек бўлади. Чунки Абдулҳамид Парда ўқувчи билан дилдан яқин бўлишга интилувчи, кўнгил кўзини кенг очган қаламкашдир. Шунинг учун ҳам ижодкор Фулом Қаримий шоир ҳақида устозлари, ҳамкасблари, дўстлари ва мухлислари томонидан билдирилган фикрларни унинг ижодига чизгилар тарзда «Қалбим — ҳар сатримда» номли китобга тўплади.

Тўпламда, шунингдек, шоирнинг моҳир таржимон эканлиги ҳам эътироф этилган. Филология фанлари номзоди Эргаш Очилов шоирнинг Фарб насири ва назмидан қилган пухта таржималари адабий жамоатчиликнинг эътирофига сазовор бўлганини таъкидлаган ва баъзи намуналарни таҳлил қилган.

Соҳиба СОТИМБОЙ қизи

ШУКРОНА

Шундай номланган китобни қўлингизга олар экансиз, илк варақлариданоқ истараси иссиқ, нигоҳлари маъноли, қўлига қалам тутган шифокорнинг расмига кўзингиз тушади. Бу бежиз эмас. Чунки, китобдан ўрин олган турли мавзулардаги шеърлар, ҳаётий фалсафани ўзида жамлаган сатрларнинг муаллифи тиббиёт фанлари номзоди, доцент, моҳир жарроҳ Илёс Юнусовдир.

«Мумтоз сўз» наشريётида чоп этилган ушбу тўпламда ота-онага ҳурмат, устозлар, Ватанга муҳаббат тараннум этилган. Ундан фарзандлар тарбиясига оид ривоят, ҳикоя, масал ва қиссалар, бир дoston ва баллада ўрин олган. Китоб «Сўзбоши»си муаллифи Исомиддин Алимов таърифи билан айтганда, «тўплам «Қиссаси Рабғузий»нинг биринчи назмий изҳори, ифодаси»дир.

Муаллифнинг ижоди билан неча йиллардан буён таниш дўстлари, қадрдонларининг ёзишча, у ўзининг илмий рисолаларида ёш авлод тарбиясининг нозик қирралари ҳақида сўз юритган ва уларга сиғдирилмаган фикр ва туйғуларини шеърга солган.

Олий тоифали жарроҳ Илёс Юнусовнинг ўнга яқин ўқув, йигирмага яқин ўқув-услубий қўлланма, монография ва дарсликлари, 130дан ортиқ илмий мақолалари, «Маънавият, этика ва эстетика тарбияси» монографияси ҳамда «Умр фасллари» номли шеърини тўплами кенг жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинган.

Шифокорнинг шеърларини аввало, дил изҳори, юракка сиғмаган туйғуларнинг қоғозга тушган шакли, дейиш мумкин. Содда ва лўнда сатрларга жо бўлган меҳроқибат, жамият келажаги учун куюниш, дахлдорлик ҳисси ва ҳар бир сатрда уфуриб турган самимият кишига хуш кайфият ва руҳий тетиклик бахш этиши шубҳасиз.

Соҳиба МУЛЛАЕВА

Diqqat, yangi rukn: SPORT SABOQLARI

Юртимизда сўнгги йилларда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Айниқса, Юртбошимиз раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор алоҳида эътирофга лойиқдир.

Шаҳару қишлоқларда қад ростлаётган муҳташам спорт мажмуаларида ўғил-қизларимиз ўзлари қизиққан спорт тури бўйича тўғарақ ва секцияларга эмин-эркин қатнаши учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Ана шундай масканларда устозларидан спорт сирларини пухта ўрганаётган ҳаваскор спортчилар талайгина. Уларнинг орасида республикамиз шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилиб келаётган ёш иқтидор эгалари кўпаймоқда.

Болалар спортини янада кўпроқ тарғиб қилиш, ёшларни спортга жалб қилиш орқали уларнинг баркамол бўлиб вояга етишишига ҳисса қўшиш мақсадида газетамизда "СПОРТ САБОҚЛАРИ" руқни ташкил этилди. Унда республикамизда кўзга кўринган мураббий ва мутахассисларнинг юртимизда оммалашган спорт турлари бўйича бир-бирдан қизиқарли дарс ва машғулоти билан танишишингиз мумкин. Хусусан, мактабда жисмоний тарбия фанидан дарс берувчи педагоглар, тўғарақ ёки спорт секцияларига бириктирилган мураббийлар мазкур руқдаги материаллардан ўз фаолияти мобайнида ҳам назарий, ҳам амалий билим манбаси, яъни қўшимча ўқув қўлланмаси сифатида фойдаланишса, аини муддаодир.

ФУТБОЛ НЕЧА

ЁШДАН ЎЙНАЛАДИ?

1-дарс

Дунё аҳолиси севадиган ўйинлардан энг машхури — футбол. Унинг ёшларнинг саломатлиги мустаҳкамланишига гина эмас, балки мантиқий фикрлаш доираси кенгайиши, гавдасининг тўғри шаклланиши ва энг муҳими, руҳининг тетиклашига ижобий таъсир кўрсатиши исботланган.

Аслида бунга ортиқча шарҳ ва илмий изоҳ беришга ҳожат йўқдек. Маълумки, аксарият спортсеварлар ойнаи жаҳонда эфирга узатилаётган футбол мусобақаларида номдор чарм тўп усталарининг хатти-ҳаракатларини кузатиб, олган таассуротига таянган ҳолда футбол ўйнайди. Аммо мазкур аънаваный ҳол кутилган натижани бермаслиги мумкин. Аксинча, шиддатли курашларга бой мусобақада жароҳат олиш ҳам ҳеч гапмас.

Шундай экан, бошқа спорт турлари сингари "миллионлар ўйини"нинг ҳам ўз нозик саноатлари бор. Мазкур спорт тури машғулотларини газетамиз орқали "Чилонзор" болалар спорти мажмуаси директори, тажрибали мураббий **Турсунбой АБДУРАИМОВ** олиб боради.

— Футбол ўйнаш учун фақат хоҳиш ва имкониятнинг ўзи камлик қилади. Бунда жисмоний тайёргарлик ва руҳий чиниқиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Футболда иккита асосий унсур бор: ҳимоя ҳамда ҳужум. Жамоалар вақти-вақти билан буларнинг бирига мурожаат қилади. Бугунги замонавий футболда ҳужумкор ҳимоячилар ҳам, ҳимояга қайтиб ўйнайдиган ҳужумчилар ҳам бирдек қадрланади. Бунинг учун ҳам жисмонан, ҳам руҳан ўзини тоблаш даркор.

Футболчи учун яна муҳим жиҳатлардан бири — тўп ошириш (пас) чоғида тўп билан муомала қилишни яхши билишдир. Хави, Иньеста, Месси, Снейдер, Кака, Гиггз, Роналдиньо сингари юлдузлар ижросидаги ҳар бир тўп ошириш маромига етади, жамоадошининг гол

уриши учун қулай имконият яратади.

Фарзандингиз футболни ўзгача меҳр билан ўйнаса ёки футбол мусобақаларини мириқиб кузатгач, футболчиларга хос ҳаракатлар қилаётган бўлса, уни беэътибор қолдирмаганингиз маъқул.


Шу ўринда савол туғилади: футболни неча ёшдан бошлаб ўйнаш керак?

Мутахассислар 5—8 ёшгача бўлган даврни кўрсатишга одатланган. Бунинг ўзига яраша физиологик ва психологик томонлари бор, албатта. Бу даврда ҳали суяклар ва мушаклар эгилувчан, мослашувчан бўлади. Қолаверса, боланинг жисмоний машғулот билан боғлиқ илк тасаввурлари, қизиқиши ўткинчи бўлмайди.

Бола мактабга 6-7 ёшдан боради. Бу — илм беришни бошлаш учун энг қулай фурсат. Бола ўқитувчиси содда тил билан тушунтирган ҳар бир сабоқни яхши ўзлаштиради, хотирасида сақлаб қолади. Спорт билан бир вақтда мактабда таълим олишни ҳам бирга олиб борадиган ўқувчилар эса қолганларга нисбатан ижобий томонлама ажралиб туради.

Шу ўринда эътиборингизни фактларга қаратсак. XX аср футболнинг афсонаси, бу йил ўзининг 70 ёшини қарши олган бразилиялик **Пеле** 7 ёшида маҳаллий болалар жамоаси шарафини ҳимоя қилиш орқали спортга кириб келган. Ҳали ҳамон у ўзини тетик ҳис қилади, баъзан стадионда ёшлик хотираларини кўз олдига келтириб, копток билан сирлашиб туради.

Пеле эсланганда, у



билан тенгма-тенг тилга олинадиган ўйинчи бор — **Диего Марадона**. Аргентиналик машхур спортчи ҳам акаси билан 7 ёшдан футбол машғулоти билан мунтазам қатнай бошлаган. Унга биринчи марта холасининг ўғли Нени копток совға қилганини ҳали ҳам антиқиш билан ёдга олади.

2002 йили Япония ва Жанубий Корея яшил майдонларида кечган мундиал давомида рақиблар дарвозасини 8 марта забт этиб, рекорд ўрнатган бразилиялик **Роналдо**га футбол тарихида "Энг буюк ҳужумчи" дея таъриф берилган. У 6 ёшдан бошлаб "миллионлар ўйини"га ошуфта бўлган.

Бир неча бор сайёрамизнинг энг яхши футболчиси бўлган, ўзининг футболча рақслари билан жаҳонни ром қилган **Роналдиньо** 7 ёшида футбол салтанатига кириб келган. У шу қадар футболни севиб қолганки, натижада кун бўйи копток тепиб чарчамаган, завқ олган.

Ҳозир дунёнинг "Энг яхши ўйинчиси" бўлиб турган аргентиналик **Лионель Месси** 5 ёшдан тўп билан бирга. У отаси Хорхе Грандолига эргашиб, футбол майдончасига йўл олган. Мессининг отаси ҳам футболчи бўлган. Лео 1995 йилиёқ Росарио шаҳри шарафини ҳимоя қилувчи клуб —

"Ньюэллс Олд Бойз"да ўйнаган.

Ўзбек футболчи юлдузлари, фахрли спортчиларимиз — **Биродар Абдураимов**, **Миржалол Қосимов** эса 7 ёшдан футбол машғулоти билан муттасил қатнай бошлаган.

Фарзандингиздаги қобилият айнан футболга йўналтирилганини аниқ пайқаган бўлсангиз, мактабдаги жисмоний тарбия фани ўқитувчиси билан маслаҳатлашган ҳолда уни футбол тўғарагига беринг. Агар мақсадингиз жиддий бўлса, футбол мактабларига олиб боришингиз мумкин.

Профессионал футболчи бўлиш учун болаликдан тажрибали мураббий қўл остида ўқиш талаб этилади. Қолаверса, дилига шундай орзуни туккан ҳар бир бола бутун борлиги билан ўзини футболга бағишлаши керак.

Футбол билан шуғулланаётган бола эпчил ва уddaбурон бўлиши, ҳар бир хатти-ҳаракатини маълум бир мақсадга йўналтириши, чидамли, матонатли ва кучли реакцияга эга бўлиши керак. Ана шу хислатларни мувофиқлаштирган ҳолда тарбия топиб борган болакай майдонда мусобақалашаётганда яратилган ҳар бир имкониятдан хавфли вазиятни ясай олади. Шундай экан, унинг ажойиб келажагига умид қилса бўлади.

Келгуси дарсимиз дастлабки фасл — "Тўпга зарба бериш"дан ўрин олган "Ўртача баландликка тўп тепиш" мавзусига бағишланади. Унда тўпга берилган турли зарбаларнинг фарқи, аҳамияти, фурсати борасидаги тушунчалар ҳақида сўз боради.

Зоҳиджон ХОЛОВ тайёрлади.

ТОШКЕНТДА САМБО БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

Халқаро ҳаваскорлар самбо федерацияси (FIAS) кўмагида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва мамлакатимиз самбо федерацияси томонидан "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуасида самбо бўйича жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда дунёнинг қирққа яқин мамлакатидан 500 нафарга яқин самбочи голиблик учун куч синашди.

Жанговар самбо бўйича битта олтин, иккита кумуш ва тўртта бронза медалъ жамфарган полвонларимиз умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

Самбо бўйича кечган беллашуларда эса жамоамиз 1та кумуш ва 7та бронза медални қўлга киритди.

КУМУШ НАТИЖА

Футбол бўйича Тошкентда ўтказилган 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги 14-Осиё чемпионати голиб ва совриндорлари аниқланди. Барча рақибларини ортда қолдириб, финалга йўлланма олган Ўзбекистон ва КХДР терма жамоаларининг ҳал қилувчи қарама-қаршилигида корейликларнинг омади келди.

Улар вакилларимиз дарвозасига жавобсиз иккита гол йўллади. Эронлик ҳакамнинг қатъий қарорлари ўйин суръатининг кескин ўзгаришига сабаб бўлгани мутахассислар томонидан ҳам таъкидланаяпти.

Шундай қилиб, ортда қолган навбатдаги қўлга биринчилигида ўсмирларимиз ўзларига билдирилган ишонччи оқлаб, Осиёдаги 4 жамоа орасида келаси йили Мексикада ўтадиган жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритиш баробарида кумуш медалларга эга бўлди.



ТЕННИС. Кайман оролларида ўтказилган «Outback Champions Series» турнири финалида икки фахрий теннисчи Марат Сафин ҳамда Стефан Эдберг ўзаро баҳслашди. Унда шведиялик ракеткачининг қўли баланд келди.

Уч сеп давом этган баҳсда 6:7 (5:7), 6:2, 8:10 ҳисоби қайд этилди. Эслатиб ўтамиз, мазкур ўзига хос турнирда "Улкан дубулга" туркумидаги турнирларнинг бирортасида финалгача етиб борган 30 ёки ундан юқори ёшли фахрийлар қатнашиш ҳуқуқига эга. Ана шундай туркумдаги навбатдаги турнир 17—20 ноябрь кунлари БАА пойтахти Дубайда ташкиллаштирилади.



«ФОРМУЛА-1». «Ред Булл» жамоаси пойгачиси, таниқли Себастьян Феттель Бразилия Гран-приси голибига айланди. Ундан сўнг марра чизигини рақобатчиси Марк Уэббер кесиб ўтди.

2010 йилги мавсум етакчилигини «Феррари» жамоаси вакили Фернандо Алонсо ҳамон сақлаб турибди. Унинг ҳисобида 246 очко бор. Уэбберда 238 очко ва Феттелда 231 очко мавжуд.

Чемпионат якунига қадар «Ред Булл» 469 очко йиғиб, Конструкторлар кубогини қўлга киритди. Айтиш мумкинки, бу кўрсаткич унинг рақобатчиларидан бири «Макларен» жамоаси учун орзу, холос.

«Формула-1» чемпионатининг ҳал қилувчи Гран-приси 12—14 ноябрда Абу-Дабби шаҳрида бўлиб ўтади.

ФУТБОЛ. «Милан» футбол клуби «Манчестер Юнайтед» ярим ҳимоячиси Нани ва «Ливерпуль» ҳужумчиси Фернандо Торрес учун 75 миллион фунт тўлашга тайёр эканлигини «Caughtoffside» манбаси орқали маълум қилди.



«Россонерлар» раҳбари Сильвио Берлускони ўз клубининг қаторасига олти йилдан буён голиб бўлолмаётганидан норози. Шунингдек, миланликлар сафига «Вольфсбург»дан Эдин Жеко, «Лилл»дан Эден Азар ва «Реал»дан Рауль Альбиол қабул қилиниши мумкин.

9-турдан сўнг Италия А сериясида «Милан» турнир ҳадвалининг 2-гоносида турибди.

Ш.ЖҲҲҲҲ тайёрлади.





Хурматли Машхура ҲАБИБУЛЛАЕВНА!

Сизни кутлуг 50 ёшингиз билан чин дилдан кутлаймиз. Баркамол авлод таълим-тарбияси йўлида масъулиятли меҳнатингизни қадрлаймиз ва сизга соғлиқ-саломатлик тилаймиз.

Нурли чехрангизни табассум, бегубор қалбингизни самимийлик тарк этмасин. Ҳамиша фарзандларингиз ва шогирдларингиз камолини кўриб юринг. М.Улугбек туманидаги 64-мактаб жамоаси

Kollej ustaxonasida



**РАНГЛАР
«РАҚ СГА ТУШГАНДА...»**

(Давоми. Боши 6-бетда.)

Ситора Узоқова яқинда «Тасвирий санъат ҳафталиги-2010» кўрик-танловида гобелен ишлари билан қатнашиб, «Фаол иштироки учун» номинацияси бўйича голибликни қўлга киритди. Ҳозир у Республика ёш расомлар кўрик-танловига тайёргарлик кўрапти.

Бундан ташқари, касбий таълим усталари Зиёда Тиллабоева, Нилуфар Бекчанова, Хуршида Алиева

танловларда иштирок этиб, Бадий ижодкорлар уюшмасининг диплом ва сертификати билан тақдирланишган.

— Ҳунаримизни эгалламоқчи бўлганларга эшигимиз доимо очик, — деди Н.Бекчанова. — Биласизми, ҳунар ўргатишни ёки ўрганишни фақатгина моддий манфаат илинжидagina бoшласангиз, сиз яратган асарлар инсонларга завқ бағишламайди. Ҳунарда халқнинг бой тарихию барҳаёт ҳикмати яширинган бўлади.

Хулқар ФАРМОН қизи,
«Ma'rifat» мухбири



Ma'rifat

**ТА'СИС
ЕТУВЧИЛАР:**

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Ulug'bek TOSHKENBOYEV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-1022.
Tiraj 26930.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:
Zohirjon XOLOV
Navbatchi:
Sherali NAMOZOV

«Ma'rifat» dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi.

belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.40
Yil oxiri — 22.40